VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

1 (373) ● 2016 йил 6 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП темир йўл саноати ривожи ҳали юксак салоҳияти ишга солинмаган туризм соҳасининг жадал тараққий этишида муҳим деб ҳисоблайди

Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан Янгиобод туманида Ўлкашунослик музейи ташкил этилди. Унда миллий ўзлигимизни акс эттирувчи 200 га яқин экспонат ўрин олган

Халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўтган йил давомида 230 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди

Муносабат

Тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади

Инсон ҳаётининг маъно ва мазмуни у яшаётган муҳитнинг тинчлигига, хотиржамлигига боғлиқ. Президентимиз халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Зотан, тараққиётимиз, фаровон ҳаётимиз асоси тинчлик ва барқарорликдир.

Тинчлик деб аталган неъмат қадри элу юртнинг шодиёна кунларида яққол бўй кўрсатади. Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа байрамлар татийди, кут ва барака ҳамдам бўлади. Янги йил оқшомида давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган байрам табригини тинглаб, ҳар бир юртдошимизнинг кўнглидан шундай ўйлар кечгани аниқ. Табрикда ҳаётимизнинг янги бир довонига қадам қўйиш олдидан ўтган йилга назар ташлаб, эришган ютуқ ва марраларимиз эсга олингани ҳар биримизга яна бир бор шукроналик бағишлади. Жумладан, табрикда эътироф этилганидек, "Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани – буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда".

> 2-бет.

Ҳамкорлик

Йирик миллий ташувчи

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти мавқеини янада мустаҳкамлаш — партиянинг устувор вазифаси

Истиқлол йилларида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти фаолияти мутлақо янгича асосда, замонавий тарзда ташкил этилди. Бунинг самарасида пўлат излар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача етиб борди. Юкларнинг 60, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан кўпроғи темир йўл транспорти орқали ташилаётир.

Темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан сўнгги йилларда яна 1,1 минг километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3,8 минг километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди. Қарийб минг километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Айни кунларда мамлакатимизда темир йўлларнинг умумий узунлиги 6,5 минг километрни ташкил этади.

Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ ва Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон каби янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши юртимиз темир йўл салоҳиятини янада юксалтиргани рост. Темирйўлчиларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига денгиз сатҳидан 1,5 минг километр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб лойиҳа ҳисобланади. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Транспорт-коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот — 19 километрлик темир йўл туннелини ўз ичига оладиган Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилаётгани, Мароканд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишларнинг жадал суръатлар билан олиб борилаётгани Ўзбекистон темир йўллари имкониятларини янада ошириши шубҳасиз.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз

> 6-бет.

Испания парламенти

икки палатали бўлиб, тўрт йилга сайланадиган 350 депутат ҳамда 266 сенатордан иборат

> 7-бет.

Тарих ва қадриятлар тараннуми

Рассом ижодида Хоразм воҳасининг ўзига хос табиати кенг ўрин олган

> 8-бет.

Миллий ғурур

"Буюк аждодларга муносиб авлод

эканимизни барчага яна бир бор эслатиб қўйдик"

Истиқлол ёшларимизга интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини кенг намоён этиш учун йўл очди. Уларнинг жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайишларида доимий эътибор, меҳр ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунга жавобан халқаро кўрик-танлов ва фестиваллар, спорт мусобақаларида ўз сўзини айтиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келаётган истеъдод эгалари кўпаймоқда.

Ўтган йилнинг 27 июль — 2 август кунлари Болгариянинг Влагоевград шаҳрида талабалар ўртасида бўлиб ўтган математика фани бўйича 22-халқаро олимпиадада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби Ҳакимбой Эгамберганов иштирок этиб, мамлакатимизга яна бир олтин медални тақдим этди.

> 6-бет.

Депутат минбари

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат жараёни кечаётган айни пайтда ҳар бир сиёсий куч дастурий мақсад ва ғоялари доирасида ўз электорати манфаатларини дадил ҳимоя қилишга интилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида, энг аввало, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга бирламчи вазифа сифатида ёндашмоқда. Бундай масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида эса албатта, маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Юрт тараққиётига дахлдормиз

буни ўз фаолиятимизда яққол ҳис этишимиз лозим

Ахборот коммуникациялари тобора ривожланиб бораётган бугунги даврда мамлакатимизда ҳам ҳар бир соҳада ўзгариш, янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Айниқса, аҳолининг ҳуқуқий онги ва дунёқараши, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётгани қувонарли ҳол.

> 4-бет.

Доимий комиссияларда

Соғлом турмуш — бахтли ҳаёт

бунга эришишда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам фаол қатнашмоқда

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат самарадорлиги, тиббий маданиятни юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қатор ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, улар орасида "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳим ўрин тутади. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг "2014-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, аввало, ҳомиладор аёллар ҳамда ОИВ инфекцияси аниқланган оналардан туғилган болаларнинг тиббий текширувдан ўтказилиши мажбурийлиги ҳамда уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари белгилаб қўйилди. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма йиғилишида мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг вилоятдаги ижроси, оналик ва болаликни ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

ЎзМТДП гуруҳи аъзоларининг бу масалани доимий комиссия йиғилишида муҳокама қилишдан кўзлаган асосий мақсади — масалани сессия кун тартибига тайёрлаш ҳамда тегишли қарор қабул қилинишига эришиш, бунинг натижасида мутасадди идоралар ҳамда барча давлат ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйишдир.

> 4-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
1 (373) 2016 йил 6 январь, чоршанба

Муносабат

Тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, бугун барча соҳа ва тармоқларда юқори ўсиш суръатлари қайд этилмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, ички инвестициялар ҳажмининг ортишини рағбатлантириш, ҳунармандлик, ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли олиб борилмоқда. Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмагани халқимиз фаровонлиги, аҳолининг турмуш шароитлари янада яхшиланишига замин бўлаётир.

Табрикда 2016 йил янада самарали бўлиши, бунинг учун ҳар томонлама мустаҳкам замин – пойдевор ташлангани қайд этилди. Дарҳақиқат, барча соҳа ва йўналишнинг ривожи учун зарур қонунчилик асослари яратилгани, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилгани, биргина 2015 йилнинг ўзида парламент томонидан турли соҳаларга оид ўн бешдан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилгани эътиборга молик. Шу билан бирга, амалдаги қатор кодекс, қонун ва қонуности ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди. Мазкур жараёнда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, ўз таклифларида партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатларини ифода этдилар.

Янги — 2016 йилда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини янада юқори поғонага кўтариб, аҳоли фаровонлиги, барча соҳа ривожи, юрт осойишталиги, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз равнақига хизмат қиладиган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлади.

Иноят ҲОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Фаровон юртга ободлик ярашади

Халқимиз янги йилни катта шоду хуррамлик, янги режа ва орзулар билан қарши олди. Бир зумда тарихга айланган 2015 йилда мамлакатимизни тараққий этган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини бунданда юксалтириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригида таъкидланганидек, ўтган 2015 йилимиз биз учун ҳар томонлама хосиятли ва файзли бўлди, мамлакатимиз ҳаётида беқиёс ўзгаришлар юз бериб, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз обод ва гўзал қиёфа касб этди. Шу ўринда бундай улкан ўзгариш ва янгиланишлар Сирдарё вилоятида ҳам изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Якунланган йил бошида Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифи биз сирдарёликлар ҳаётида янги босқични бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. Шу қутлуғ кундан тўрт кун ўтиб, Президентимизнинг "2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Бунинг натижасида ҳудудда илмий гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилди. 140 кузатув қудуқлари орқали Гулистон шаҳри остидаги сув сатҳи ўрганилиб, уни пасайтиришнинг энг мақбул йўллари аниқланди. Шаҳарни замонавий қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 сентябрдаги қарори билан 2015-2019 йиллар даврида ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Бугунги кунда дастлабки вазифалар бажарилиб, "Дўстлик" каналининг Гулистон шаҳридан ўтадиган қисмини бетонлаш ишлари якунланди. Канал остидан узунлиги 115 метр бўлган икки қаторли дюкер қурилди, 261 километрлик очиқ коллектор-дренаж тармоғи қайта тикланди. Янги ёпиқ дренажлар, мелиоратив насос станциялари барпо этилди.

Гулистон шаҳрининг бош режасига мувофиқ янги 2016 йилда ҳам шаҳримизда бунёдкорлик ишлари кўлами бундан-да кенгаяди, кейинги йилларда вилоят бўйича барпо этилган 4 мингга яқин замонавий уй-жойлар сони янада кўпаяди. Бу эса, энг аввало, оила бекаси бўлмиш мунис ва мукаррам аёлларнинг оғирини енгил қилишга, уларга муносиб турмуш шароитини яратиб беришга, ўз навбатида, Соғлом она ва бола йилидаги эзгу ниятларнинг амалга ошишига хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, хусусан, маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар бу борада янги 2016 йилда мамлакатимизда амалга оширилажак амалий ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилиши шубҳасиз.

Барно ИСЛОМОВА,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Баркамол авлод тарбияси

бош мақсадимиз

Замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, дунёқараши кенг ва мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал авлодни тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган Янги йил табригида, айниқса, биз навқирон авлод вакилларига яна бир бор эътибор берилгани зиммамизга катта масъулият юклаш билан бирга, қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Юртбошимизнинг биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушишини таъкидлагани биз ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада юксалтирди. Айниқса, Президентимизнинг "таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак" деган даъвати мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, аввало, соғлом наслни, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилганининг яна бир ёрқин далилидир.

Бу, албатта, мамлакатимиздаги ҳар бир ўғил-қизни янги марралар сари руҳлантиради, ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз ишининг билимдони бўлишга ундайди. Зотан, таълим ва тарбиядан маблағини ҳам, ўзини ҳам аямайдиган мамлакатнинг болалари интеллектуал салоҳият жиҳатдан дунёдаги тенгқурларига ўрнак бўлиши шубҳасиз. Шу билан бирга, ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгаришлардан бохабар этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз илм-фан, таълим-тарбия соҳасига ғамхўрлик Соғлом она ва бола йилида янгича мазмун-моҳият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, табрикда 2016 йилда илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилдагига нисбатан анча кўп бўлиб, Давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этиши таъкидланган жорий йилда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилишидан далолат.

Мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, юксак интеллектуал салоҳиятга эга навқирон авлод вакилларини тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз иқтидорини намойиш этишга имконият яратишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан. Бу борада партиянинг ўнлаб лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилган. Президентимизнинг халқимизга йўллаган янги йил табриги, энг аввало, ЎзМТДП сафидаги ёшларни янги марралар сари интилишга руҳлантирди. Ундаги ҳар бир жумла, даъват тинч ва осойишта кунларимиз, нурли келажагимиз кафолатидир. Модомики шундай экан, табрик мазмун-моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилишимиз, унда илгари сурилган фикр ва долзарб вазифаларни фаолиятимизнинг бош мезонига айлантиришимиз лозим.

Акбаршоҳ ҲАСАНОВ,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли

Ҳамкорлик

Йирик миллий ташувчи

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти мавқеини янада мустаҳкамлаш — партиянинг устувор вазифаси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда "Темир йўл транспортини янада ривожлантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида ўтказган давра суҳбатида соҳада олиб борилаётган бу каби янгиланиш ва ўзгаришлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

— Партия сайловолди Платформасида йирик миллий ташувчи — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Партия нуқтаи назарича, темир йўл саноати ривожи ҳали юксак салоҳияти тўла ишга солинмаган туризм соҳасини ҳам ривожлантиради. "Тошкент — Самарқанд", "Тошкент — Қарши" шаҳарлари орасида қатнаётган "Afrosiyob" тезюрар поезди йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" мавзусидаги маърузасида "...янги йилда бу тезюрар поездларнинг "Тошкент — Бухоро" йўналиши бўйича қатнови ви раиси ўринбосари Равшан Икромов. — Чунки янги йилда Фарғона водийсини республикамизнинг бошқа вилоятлари билан туташтирувчи Қамчиқ довони орқали ўтадиган "Ангрен — Поп" йўналишида темир йўл линияси қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Мазкур линия мураккаблиги бўйича дунёда 8, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида эса 1-ўринда туради. Мазкур темир йўл линияси мамлакатимизнинг барча ҳудудини боғловчи миллий темир йўл тизимини яратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки бугунгача фақат водий вилоятларини юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи темир йўл линияси йўқ эди. Бундан ташқари, "Ангрен — Поп" йўналишидаги пўлат излар мамлакатимизни Хитой ва дунё океанлари билан боғлашга ҳам имкон яратади. Мазкур муҳташам ва мураккаб иншоотнинг ишга

йўлга қўйилади" дея айтган сўзлари ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани шубҳасиз. Тарихи мингйилликларга бориб тақаладиган азим шаҳарларимиз билан пойтахтимизни боғлаётган "Afrosiyob" мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётир. Бу тезюрар поезд хорижлик меҳмонларга нафақат юртимизнинг бой маданий мероси, тарихий қадамжолари, балки мамлакатимизнинг бугунги эришаётган муваффақиятлари, замонавий транспорт-коммуникация соҳасида қўлга киритаётган ютуқларини ҳам кўз-кўз қилишга имкон яратмоқда.

Бундай замонавий поездлар барча мамлакатда ҳам мавжуд эмаслигини инобатга олсак, мамлакатимизда темир йўл саноати йўналишида улкан ишлар амалга оширилаётганига яна бир бор амин бўлиш мумкин. Бугунги кунда "Afrosiyob" тезюрар поезди Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича 344 километр масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди "Тошкент — Қарши" йўналишида илк қатновни амалга оширди. Шу кунгача йўловчи поездлари Тошкентдан Қаршигача бўлган 511 километрлик масофага қарийб олти соатда етиб борган бўлса, "Afrosiyob" электропоезди ушбу йўлни уч соатда босиб ўтмоқда.

— Жорий йил ҳам Ўзбекистон темирйўлчилари учун масъулиятли бўлиши шубҳасиз, — деди тадбирда сўз олган "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ўзбекистон темир йўл тизимининг салоҳиятини яна бир бор намойиш қилиши ва юксалтириши шубҳасиз.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, партиянинг ижтимоий соҳада аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини оширишга қаратилган мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг. Зотан, ЎзМТДП йўловчиларга, жумладан, мамлакатимизнинг олис ва етиб бориш қийин бўлган жойлари аҳолисига транспорт хизмати тизимини яхшилаш орқали аҳолининг фаровон турмушини таъминлашни ўзининг устувор вазифаларидан, деб билади. Шу жиҳатдан ҳам Фарғона водийси билан юртимизнинг бошқа ҳудудларини боғлайдиган "Ангрен — Поп" йўналишининг ишга туширилиши партия мақсад-вазифалари рўёбида муҳим аҳамият касб этади.

Темир йўл саноатининг ривожи транспорт хизматлари даражаси ва сифатини яхшилаш, йўловчиларга қулайлик яратиш ҳамда темир йўл соҳасини модернизация қилишни тақозо этади. Бу борада биргина сўнгги ўн йилда 38 замонавий электровоз ва 10 йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 локомотив модернизация қилинди. 11 янги темир йўл вокзали барпо этилиб, 7 вокзал реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард долларлар ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди. Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган "Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи", "Қуюв-механика заводи", "Ўзтемирйўлмаштаъмир" каби саноат корхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатаётир. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозлангани истиқлол йилларида бу соҳада олиб борган ислоҳотларимизнинг ёрқин самарасидир. Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди. Бу корхоналарда 2,5 минг юк ва 150 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

— Янги темир йўл линияларининг ишга туширилиши, соҳага замонавий технологияларнинг кенг татбиқ этилаётгани, локомотив ва йўловчи вагонларни таъмирлаш бўйича корхоналарнинг фаолият олиб бораётгани мамлакатимизда темир йўл саноатининг истиқболли эканидан далолат беради, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров. — Шу боис бу соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Бу "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Соҳа ривожига хизмат қиладиган қонунларни қабул қилишимиз темир йўл саноатининг улкан салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Бу эса партиянинг иқтисодий соҳадаги яна бир устувор вазифаси — туризмни ривожлантириш учун муҳим омилдир. Зотан, сайёҳликни ривожлантириш бевосита транспорт, айниқса, темир йўл транспортининг имкониятларига боғлиқ.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг темир йўл соҳасини ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари, соҳага доир қонунлар ҳамда давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлашда ЎзМТДП фракцияси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг иштирокини кучайтириш, бу борада парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди, ҳамкорликдаги ишлар режаси муҳокама этилди.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Форум

Соғлом она ва бола

мустаҳкам оила, барқарор жамият гарови

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, қизларга мос спорт турлари ривожлантирилмоқда, хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шунга мос равишда йилдан-йилга спорт иншоотларига қатнаётган хотин-қизлар сафи ҳам кенгайиб бораётир. Бу мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи оммалашиб, спорт билан шуғулланиш умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Зеро, соғлом болани дунёга келтириш ва тарбиялаш учун, энг аввало, она соғлом бўлиши лозим. Ҳаёт синовидан ўтган ана шу тамойил 2016 йилда барча саъй-ҳаракатимиз, эзгу амалларимизнинг бош мезонига айланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган. Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш партиянинг устувор вазифаларидан. Бу орқали ЎзМТДП нафақат хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, балки мустаҳкам оилалар сафини кенгайтириш ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилаётир. Жойларда ўтказилаётган тадбирлар партиянинг бу борада ўз зиммасига олган вазифалари мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламига тушунтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Ташаббускор, фаол аёллар — жамиятимиз таянчи" мавзусида ўтказилган хотин-қизлар форумида партиянинг аёллар фаоллигини ошириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ва бу борадаги мақсад-вазифалари мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом болани вояга етказишда жисмонан соғлом, маънан етук оналарнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб ўтди, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Даврон Сафаров. — Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг таълим олишига янада кенгроқ имконият яратиб бериш эртанги кунни қўрқмасдан ўз қўлига оладиган, илм-фан ютуқларини пухта эгаллаган, юксак билимга эга, фидойи ва ватанпарвар авлодни тарбиялаш кафолатидир. Шу боис уларнинг касб-ҳунар эгаллашларини қўллаб-қувватлаш партия шаҳар кенгашининг ҳам асосий вазифаларидан бирига айланиши лозим.

Форумда эътироф этилганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, истеъдодли хотин-қизларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда қатор давлат мукофотлари ва степендиялар таъсис этилган. Бундай эътибор ва ғамхўрлик замирида, энг аввало, фаол, ташаббускор ва изланувчан хотин-қизларни рағбатлантириш, уларни илм эгаллашга илҳомлантириш, янги марралар сари руҳлантириш каби эзгу мақсадлар мужассам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

— "Аёллар қаноти" ўтказаётган тадбирлар қизларни юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб вояга етказиш, эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатларидан огоҳлантириш, мустаҳкам оилаларни барпо этишда аёлларнинг ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди партия Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Лайло Муҳитдинова. — Келгусида ҳам оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш тадбирларимизнинг асосий мақсад-вазифасига айланади. Зотан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, партия жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Форумда таъкидланганидек, амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш, барча соҳаларни изчил тараққий эттириш орқали халқимизнинг ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий билимини ошириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Бу каби саъй-ҳаракатлар самарасида тадбиркор, ишбилармон, ҳунарманд аёллар сафи кенгаймоқда.

Форумда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва партия сайловолди Платформасидан келиб чиқиб ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" зиммасидаги вазифалар муҳокама қилинди, келгусидаги режалар белгилаб олинди. Бир гуруҳ фаол хотин-қизлар тақдирланди.

Мавлуда ИСОҚОВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши фаоли:

— Аҳоли ҳаёт тарзини яхшилаш, оилаларга, айниқса, ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор қўламини янада ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан. Партия сайловолди Платформасида бунга алоҳида эътибор берилган. Жумладан, ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш, улар учун уй-жой қурилиши давлат дастурининг бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг ижтимоий соҳадаги вазифаларидан саналади. Мазкур мақсад-вазифалар рўёби, энг аввало, аёлларимизнинг турмушини енгиллаштиришга хизмат қилади. Соғлом она ва бола йилида бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг изчил давом эттирилиши аҳоли, биринчи навбатда, аёллар манфаатлари ҳимоясининг ишончли кафолатидир. Президентимиз Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда яна бир бор тўхталиб ўтди: "... Олис ва чекка ҳудудларда мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи-назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим". Бу фикрлар аҳоли фаровонлигини ошириш, аёлларга муносиб турмуш шароитини яратиш Соғлом она ва бола йилидаги ишларимизнинг бошланиши мезонига айланишидан далолат беради.

Зилола ҲАЙДАРОВА, форум ишрокчиси:

— Форум пойтахтимиздаги ЎзМТДП ғоя-мақсадларига хайрихоҳ хотин-қизларни бир ерга жамлади, ўзаро фикр алмашишга, фаолиятимизни янада яхшилашга замин яратди. Хусусан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида услубий кўрсатмалар олдик.

Айтиш жоиз, тадбир "Аёллар қаноти" фаоллари учун чинакам ўқув-семинарга айланди. Унда хотин-қизларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар билан яна бир бор танишдик. Юртимиз аҳолиси, айниқса, аёллар ва оналарнинг саломатлигини тиклашга хизмат қилаётган перинатал ва скрининг марказлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг фаолиятидаги янгилик ва ўзгаришлар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотларга эга бўлдик. Тадбирларимизда бугун ўрганганларимизни янада кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизда соғлом она ва бола тарбиясига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Зотан, бу ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз, қолаверса, ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Қуйи бўғин ташаббуси

билан Янгиободда Ўлкашунослик музейи ташкил қилинди

Музейлар — тарих кўзгуси. Уларга ташриф буюрган каттаю кичик халқимиз яратган бетакрор моддий ва маънавий мерос ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади. Юртимизнинг кўп асрлик бой тарихи, миллий маданиятини ўзида қамраб олган ушбу маънавият масканларининг муҳим вазифаларидан бири — ёш авлод онгида миллий ўзликни англаш, аждодларга эҳтиром, ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини кучайтиришдан иборат.

Тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга қўмаклашиш, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиромни мустаҳкамлаш ЎзМТДП сайловолди Платформасининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу дастурий вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш борасида партия ташкилотлари қатор ҳаётий ташаббуслар, янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. Янгиобод туманидаги "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган Ўлкашунослик музейи фикримизга яққол далил бўла олади. Айтиш керакки, бундан бироз вақт олдин партия туман кенгаши туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 2- ва 6-умумтаълим мактабларида кичик мактаб-музейларини ташкил этган эди. Аммо бугунга қадар туманда бирор йўналишдаги музей фаолият кўрсатмаслигини инобатга олсак, ҳудуд тарихининг ўзига хос кўзгуси сифатида иш бошлаган янги Ўлкашунослик музейи янгиободликлар учун чинакам янгилик бўлди. "Баркамол авлод" болалар марказида жойлашган мўъжаз музейдан турли осори-атиқалар, сопол кўзалар, темир, мис идишлар, тарихий китоблар, қадимий тангалар ва қоғоз пуллар, миллий ўзлигимизни акс эттирувчи кийим ва бошқа 200 га яқин экспонатлар ўрин олди.

— Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш партия дастурий мақсадларидан, — дейди "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги БПТ етакчиси Дониёр Норматов. — Вилоятимизда 370 дан зиёд тарихий қадамжо, қадимий ёдгорлик мавжуд. Янгиобод тумани ҳам ўзининг бой тарихи, кўп минг йиллик урф-одат ва анъаналарига эга. Биргина "Хўжамушкент" зиёратгоҳи аждодларимизнинг қарийб 1300 йиллик тарихидан сўзлайди. Бу эса туманда азал-азалдан илм–фан, маданият, санъат, ҳунармандчилик ривожланганини англатади. Аммо, шу пайтгача ҳудудимизнинг ўзига хос тарихини намоён этадиган музей йўқлиги ҳақли эътирозга сабаб бўлаётган эди. Партиямиз фаоллари бўлган ўқитувчи-зиёлилар саъй-ҳаракати билан чекка қишлоқларда, маҳаллаларда узоқ изланишлар олиб бордик, турли тарихий буюмларни йиғдик, уларнинг тарихини чуқур ўргандик: ушбу мўъжаз музей шу тариқа ташкил топди. Гарчи асосий экспонатлар XIX аср охири ва XX асрга тааллуқли бўлса-да, лекин ҳар бирининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.

Дарҳақиқат, инсоннинг ўз туғилиб ўсган жойи — тарихини билиши, отабоболари тутумларидан хабардорлиги, қадриятларга эҳтироми она Ватанга меҳр-муҳаббатининг бир кўринишидир. Янгиободда ташкил этилган Ўлкашунослик музейи экспонатлари қаторидан жой олган буюмлар ҳам бу ерда истиқомат қилган аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти, бунёдкорлик хислатларидан сўзлайди. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг улардан бахраманд бўлиши, чуқур ўрганиши маънавий етук, чинакам ватанпарвар инсонни тарбиялашнинг асосий кафолатидир.

ЎзМТДП ташкилотлари амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатлар кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга садоқатли ёшларни тарбиялашга, халқимиз, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмаклашадиган маънавий-маърифий марказлар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришдек устувор вазифалари ижроси йўлида хизмат қилади.

Ҳайдаркул МУҚИМОВ, партия Янгиобод туман кенгаши раиси:

— Навқирон авлодни тарихга ҳурмат, аждодларга эҳтиром руҳида тарбиялашда, моддий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганишга даъват этишда музейлар алоҳида ўрин тутади. "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги бошланғич партия ташкилотининг бевосита саъй-ҳаракати билан ушбу музейнинг очилиши ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган жой тарихи, қадриятлари, анъаналари, тарихий шахсларнинг ибратли ҳаёт йўли билан танишишига имкон беради. Шу билан бирга уларни ўтмишда юз берган ижтимоий-сиёсий, тарихий воқеаларни аниқ манбалар асосида чуқур тасаввур қилиш, мустақил фикрлаш, тарихдан сабоқ олишга ҳам ўргатади. Кун сайин музейга ташриф буюрувчилар, айниқса, мактаб ва коллеж ўқувчилари сони ортиб бормоқда. Экспонатлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олдимизда турган асосий вазифа — музейни қўшимча экспонатлар билан янада бойитиш.

Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Аёллар ва ёшлар манфаатлари

партия ташкилотлари тадбирларида атрофлича муҳокама этилди

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши "Аёлларнинг ҳуқуқий маданият даражаси фуқаролик жамияти асосидир" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия "Аёллар қаноти", маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, профессор-ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

— Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов. — Уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Зеро, оила мустаҳкамлиги, жамият барқарорлигини таъминлаш, эртамиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом инсонлар бўлиб шаклланишида оналарнинг ўрни беқиёсдир.

Тадбирда партиянинг "Аёллар қаноти" фаолиятини янги босқичга кўтариш орқали оила институтини мустаҳкамлаш, аёллар соғлигини сақлаш, иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш каби истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Қашқадарё

ЎзМТДП Қарши туман кенгаши "Ёшлар — миллий давлатчилигимиз ва манфаатларимиз таянчи" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия "Ёшлар қаноти", маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирок этди.

— Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни соғлом, билимдон, комил инсонлар қилиб вояга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — деди партия туман кенгаши раиси Дилрабо Камолова. — Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳот бир эзгу мақсад — ёшларни баркамол шахс сифатида камол топтиришга хизмат қилмоқда. Партия сайловолди Платформасида ҳам мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этиш ЎзМТДПнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқ ва марралар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишларини ёш авлод онг-шуурига сингдиришда, уларни юрт тақдирига дахлдор қилиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Тадбир қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтди, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сирдарё

ЎзМТДП Боёвут туман кенгаши "Соғлом оила, соғлом фарзандлар билан буюк келажак сари" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари қатнашди.

— Ёш авлоднинг маънан ва жисмонан етук бўлиб улғайишида оилада яратилган соғлом муҳит, ота-она тарбияси муҳим ўрин тутади, — деди партия туман кенгаши раиси Матлуба Икромова. — Халқимиз азалдан оилани маънавият, маърифат ва зиё маскани деб билган. Оила халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари, миллийлиги ва ўзига хослигини сақловчи муқаддас қўрғондир. Партия миллий қадрият ва анъаналаримиз бешиги саналмиш оила институтини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом ҳамда барқарор муҳитни таъминлашга қўмаклашишни устувор мақсади ҳисоблаб, бу борада тарғибот тадбирларини мунтазам ташкил этмоқда. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазани кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Фарғона

ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асрашда ёшларнинг ўрнига бағишланган тадбир ташкил этди. Унда партия шаҳар кенгаши фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари қатнашди.

— Бугунги глобаллашув асрида ахборот хуружларига қарши ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбиялаш долзарб вазифалардан саналади, — деди партия шаҳар кенгаши раиси Саидвали Юсупов. — Ёшларни миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, уларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги мавжуд маданий-тарихий ёдгорлик масканларига, Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида маълумотлар берадиган кўргазмаларга оммавий саёҳати ва экскурсияларини ташкил этиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгиланган.

Тадбирда бу каби тарғибот ишлари — ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ёшларда етакчилик ва ташаббускорликни ошириш, уларнинг тарих, урф-одат ва анъаналарга оид билимини мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Тошкент вилояти

ЎзМТДП Чирчиқ шаҳар кенгаши "Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштироки" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда партия туман кенгаши фаоллари, ҳудуддаги оилавий тадбиркорлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

— Қадим-қадимдан ҳунарли аёл элда эъзоз топган, — деди партия шаҳар кенгаши раиси Комилжон Давлатов. — Миллий қадриятларимизни ўзида намоён этувчи ҳунармандчилик йўналишларининг бугунги кунга қадар етиб келишида қўли гул онахону момоларимизнинг хизмати катта. Ҳозирда партия хотин-қизларнинг миллий ҳунармандчиликка асосланган ўз оилавий тадбиркорликларини йўлга қўйиб олишлари учун тижорат банкларидан кредит маблағларини ажратишга кўмаклашаётгани соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш юзасидан ЎзМТДП амалга ошираётган ишлар, хусусан, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги натижалар эътироф этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
1 (373) 2016 йил 6 январь, чоршанба

Доимий комиссияларда

Соғлом турмуш — бахтли ҳаёт

бунга эришишда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам фаол қатнашмоқда

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда мамлакатимиз халқига йўллаган янги йил табригида соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада амалга оширилажак ишлар кўлами ва йўналишини аниқ белгилаб берди, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Энахон Сиддиқова. — Партия гуруҳимиз аъзолари ташаббускорлигида доимий комиссияда муҳокама қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг ижросини ўрганиш таклифи ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар йўлидаги амалий қадамдир. Зеро, бугунги кунда барча мамлакат учун анчайин муаммога айланган ОИВ, энг аввало, она ва бола саломатлигига катта зиён етказади, соғлом зурриёднинг дунёга келишига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, касалликка қарши курашиш ишларини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор қарорлар ва меъёрий ҳужжатларни амалга оширишда барча муассаса, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш зарур.

Вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги "2014-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида 2014 йил 15 сентябрда вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинган. Унга кўра, ҳокимият органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик зиммасига муайян вазифалар белгилаб берилган. Партия гуруҳи аъзолари масалани доимий комиссия муҳокамасига киритишдан олдин вилоят бўйлаб назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориб, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини батафсил ўрганди. Маълумотларга кўра, вилоятда 20 дан зиёд ишонч хонаси фаолият кўрсатаётир. Улар орқали касалликка чалинган ёки хавф мавжуд бўлганлар қатъий текширувдан ўтказилган, улар зарур тиббий воситалар, буклетлар билан таъминланган. ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Фарғона ва Қўқон шаҳарларида маслаҳат хоналари ташкил этилган бўлиб, 2015 йилда мингдан зиёд фуқароларга тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилган.

Бироқ бу борадаги ишлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида тизимли йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Назорат-таҳлил ишлари мобайнида айрим туманларда фаолият юритаётган лабораториялар замонавий жиҳозлар, тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланмагани аён бўлди. Партия гуруҳи хулосаси асосида Қува, Ўзбекистон, Риштон туманлари ҳамда Қўқон шаҳар лабораториялари биноларини мукаммал ўзлаштирмаслик ишларига ҳомий ташкилотлар жалб этилди. Шунингдек, жойлардаги партия ташкилотлари, партия гуруҳлари ҳуқуқ-тартибот идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, соғлиқни сақлаш тизимлари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда ёшлар ўртасида ОИТСнинг олдини олишга қаратилган суҳбатлар ўтказиш, айниқса, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тиббий кўрикни самарали ташкил этиш, аҳолининг касаллик бўйича хабардорлигини ошириш, тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш масаласи муҳокама қилинди. Аҳоли орасида амалга оширилган профилактик тадбирлар мазкур касалликнинг олдини олиш, соғлом оилалар сонини кўпайтириш, она ва бола саломатлигини асрашга хизмат қилиши билан эътиборга молик. Зеро, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри ва ҳалол яшаш касаллик тарқалишининг олдини олишда асосий омилдир.

**Тўлқиной ТОЖИЕВА,
вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:**

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, сиҳат-саломатлигини асраш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда. Айниқса, ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, олдини олиш, бундай касаллик билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш — доимий эътиборда. Вилоятимизда бу йўналишдаги ишларни ўрганганимизда ҳудудда ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Агар ҳомиладор аёлда ОИВ аниқланса, у дарҳол тиббий назоратга олинади ва касалликнинг онадан болага ўтиши бартараф этилади. Хусусан, 2015 йилнинг 9 ойида вилоятда ҳисобга олинган жами 62,5 мингдан зиёд ҳомиладор аёлнинг барчаси ОИВ инфекциясига лаборатория текширувидан ўтказилган. Текширув натижаларига кўра, 20 га яқин аёлда ОИВ инфекцияси аниқланиб, мазкур касалликнинг онадан болага юқишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари бажарилган.

Қўшма йиғилишда кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, шаҳар ва туман ҳокимликларига ОИВ инфекциясига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туман комиссиялари фаолиятини янада яхшилаш, ўз навбатида, мазкур комиссия бу борада масъул ва ҳамкор ташкилотларнинг фаолияти юзасидан мониторинг ўтказиши белгиланди. Бу ишлар ҳар чоракда комиссия йиғилишида муҳокама этиб борилиши мазкур саъй-ҳаракатларнинг изчиллигини таъминлаш, соғлом оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди.

**Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

ЎзМТДП фракцияси йиғилишида қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда

Депутат минбари

Юрт тараққиётига дахлдормиз

буни ўз фаолиятимизда яққол ҳис этишимиз лозим

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Мана шундай тезкор давр билан ҳамқадам бўлиш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилган амалий таклиф ва ташаббусларни илгари суриш, электорат манфаатларини ҳимоялаш долзарб вазифамиздир. Шу боис халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳам ўз сайловчиларининг ишончини оқлашга, уларни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилишни мақсад қилар эканмиз, бунинг учун, энг аввало, аҳолининг онгу савиясини ўзгартириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлишини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари, фаоллари ҳамда партия гуруҳлари маърузадан келиб чиқиб, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда юқори поғонага кўтаришлари лозим.

Таъкидлаш жоиз, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ўтган йилда партия дастурий мақсадлари, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ва депутатлик ваколатларидан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий масалаларни бартараф этиш, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган муайян ишларни амалга оширди. Сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда маҳаллий давлат органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб, 80 дан ортиқ депутатлик сўровининг деярли барчасини ижобий ҳал қилишга эришди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, буткул соғлом авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш — партия гуруҳларининг доимий эътиборида. Жумладан, коллеж битирувчилари бандлигига эришиш, эртамиз эгаларини тадбиркорликка йўналтириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда кўплаб йигит-қизлар бандлигини таъминлади. Бундан ташқари, партия гуруҳи ташаббуси билан "Ипотека-банк" Навоий вилоят филиали кўплаб коллеж битирувчилари учун 2015 йилда имтиёзли кредит ажратиб, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларига кредит маблағлари йўналтирди. Натижада 470 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш масаласини янада юқори босқичга олиб чиқади. Давлатимиз раҳбари соғлом ва баркамол авлод тарбияси, уни камолга етказишнинг ўзига хос талаб ва омилларини баён этиб, қилинажак ишлар кўлами ва йўналишини аниқ белгилаб берди. Бу эса биз депутатлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Шунингдек, янги йилда қабул қилинадиган Давлат дастурида белгиланадиган вазифалар ижросини таъминлаш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот тадбирларининг кўламини кенгайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасидаги вазифаларни амалга оширишга кўмаклашишни ўз олдимизга мақсад қилиб белгиладик. Зеро, ҳар биримиз учун Ватан, эл-юрт манфаати ҳар нарсадан устун. Бу йўлда бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, кўзланган мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

**Тоҳир ЎРИНОВ,
халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси**

Сарҳисоб

Депутатнинг бир йили

Ҳар бир сиёсий партиянинг дастурий вазифалари ижроси, мақсад ва ғояларининг амалга ошиши, аҳоли ўртасидаги нуфузи, жамиятдаги ўрни мустаҳкамланиши унинг маҳаллий Кенгашлардаги вакиллари саъй-ҳаракатига боғлиқ.

Зеро, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ўз фаолияти, амалий ишлари, фуқароларнинг мурожаатларига муносиб жавоб бериши билан аҳоли орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, у сайланган сиёсий партиянинг хайрихоҳлари сафи кенгайишига, нуфузи ортишига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантиришга, уларнинг амалий ташаббус ва саъй-ҳаракатларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу зайлда партия ташкилоти ва гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам янада мустаҳкамланиб, дастурий мақсад-вазифалар ижроси учун биргаликда, баҳамжиҳат ҳаракат қилинмоқда.

Яқинда Ангрен шаҳрида ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамкорлигида "Депутатнинг ўтган бир йили" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг бир йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди.

Унда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, БПТ етакчилари, сайловчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарда партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров вилоят партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб, маҳаллий Кенгашлардаги халқ вакилларининг фаолиятини янада кучайтиришни муҳим вазифа сифатида таъкидлади. Нотиқ халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг 2015 йилдаги фаолияти хусусида тўхталар экан, ўтган йил давомида улар 230 дан ортиқ депутатлик сўрови юборганини қайд этди. Уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилингани, қолган сўровлар эса ҳозирги кунда ижрода бўлиб, тегишли давлат ташкилотлари ва корхоналарда босқичма-босқич ўрганиб чиқилаётгани таъкидланди.

Айтиш жоиз, бугунги кунда вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан сайланган 3 депутат фаолият кўрсатмоқда. Ўтган сайлов натижасида халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига 6, туман ва шаҳар Кенгашларига 76 нафар депутат сайланди. Маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 2015 йил давомида қатор амалий ишлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб бордилар. Депутатларнинг ўз округларида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган мақсад-вазифалар, янги қабул қилинган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти кенг тарғиб этилди. Шу билан бирга, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар юзасидан тарғибот ишлари, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилди.

Семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдужаббор Сайдуллаев, халқ депутатлари Оҳангарон туман Кенгаши депутати Эркин Бердиев ва халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгаши депутати Соҳиб Аҳмедов бир йил давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисобот берди. Таъкидланганидек, ўтган йил давомида ЎзМТДП гуруҳи аъзолари амалга оширган сўровлар, мансабдор шахсларнинг эшитувлари, доимий комиссиялар ҳамда сессиялар йиғилишларида илгари сурилган таклифлар партия дастурий мақсадлари ижросини, электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилди. Биргина ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар турли ташкилот ва корхоналарга 47 депутатлик сўрови юборди, 22 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, доимий комиссиялар йиғилишларига 10 таклиф, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига эса 2 ташаббус-масала олиб чиқилди. Партия гуруҳи саъй-ҳаракатларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар қилинди.

Семинар иштирокчилари янги йилда депутатларимиздан янада фаоллик, ташаббускорлик, қатъиятлилик билан фаолият кўрсатиш талаб қилинишини, айниқса, маҳаллий Кенгашлар сессияларига долзарб масалаларни олиб чиқиш ва ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш лозимлигини таъкидладилар. Маҳаллий Кенгашлардаги халқ вакилларининг фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди.

Тадбир сўнггида депутатнинг бир йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган бу каби семинарларни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказишга келишиб олинди.

**Марҳабо ҚУРБОНОВА,
халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:**

— Бугунги кун депутатининг ваколатлари жамиятимиз учун зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўлади. Шундай экан, депутатлик ваколати ва ҳуқуқларимиздан самарали фойдаланиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиш, ташаббускор бўлишимиз зарур. "Депутатнинг ўтган бир йили" мавзусидаги вилоят семинарида ғалвирни сувдан кўтариб, фаолиятимизни атрофлича сарҳисоб қилдик. Ютуқ ва камчиликларимизни, эътибор қаратишимиз зарур бўлган жиҳатларни муҳокама қилиб, фаолиятимиз учун керакли тавсияларни олдик, муайян хулосалар чиқардик. Аслида ушбу семинардан кўзланган мақсад ҳам ўтган бир йил давомидаги фаолиятимиз, партия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширган ишларимизга холис ёндашиш ва янги йилда олдимизда турган вазифаларни белгилаб олиш эди. Бу 2016 йилдаги фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Боқий мерос

Ҳунармандлик анъаналари барҳаёт

...Самарқанднинг Конигил мавзесида Соҳибқирон Амир Темур неваларининг тўй тантаналари учун қад ростлаган кўплаб чодирлар орасида икки чодир алоҳида ажралиб турарди. Чодирнинг атрофи, тепа қисмлари оқ ва камалак ранг матолардан тикилган бўлиб, кўзни қамаштирар, уни кўрган кишини беихтиёр ўзига мафтун қиларди. Испания Қироллиги элчиси Руи Гонсалес де Клавихо буни кўриб, қаттиқ ҳайратланади. Элчи беихтиёр "агар чодирнинг ташқи кўриниши шундай чиройли бўлса, ичкариси қандай безатилган экан?" деб юборади...

Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг "Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар" асарида шундай ёзади: "Тўй муносабати билан ўрнатилган чодирларнинг сони шунчалик кўп эдики, ҳатто, уларни санаб адоғига етиш қийин эди".

Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Шаҳар ва қишлоқларимизда бой тарихимиздан далолат берган меъморий обидалар, қадимий шаҳарларимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятининг кўзгусидир.

Ҳа, ўзбек халқи ўзининг ана шундай бой ва бебаҳо маданий меросига эга. Истиқлол туфайли халқимизнинг тарихи,миллий ўзлиги тикланди. Мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор самарасида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Қадимий анъаналаримиз замонавийлик билан уйғунлашиб, ҳунармандчиликнинг янги турлари яратилмоқда.

Самарқанд шаҳрининг жанубида Хаймар қишлоғи бор. Бу номнинг келиб чиқиши халқимиз миллий ҳунармандчилигининг ноёб намуналаридан бири чодирдўзлик билан бевосита боғлиқ. Бу касб эгаларини қадимда "хаймачилар" ("хайма" сўзи араб тилида "чодир" маъносини англатади) деб аташган. Қишлоқ аҳли ўтмишда чодирдўзлик ҳунари билан шуғулланганги учун ҳам шундай ном олган.

Чодирлар, илгари, асосан, ҳарбий юришларда дам олиш ётоғи, шаҳарлар атрофида ташкил қилинадиган катта-катта сайиллар ва тўй-томошаларда меҳмонлар учун енгил ва ихчам меҳмонхона, чўпонлар учун бошпана вазифасини ўтаган. Чодир кўчма уй ҳисобланиб, мавсумий олиб юриш ҳамда ўрнатиш учун жуда қулай бўлган.

Чодирлар шароит ва эҳтиёжга кўра, ҳажми ва шакли жиҳатидан турлича бўлиб, асосан, махсус қалин бўз матодан тайёрланади. Айниқса, сафар чодирларининг матоси ниҳоятда пишиқ бўлиши, ҳарбий юришларда, узоқ ва машаққатли йўлларда, иссиқ ва совуққа, ёғин-сочинга бардош бериши инобатга олинган.

Асосан икки қисм — девор ва томдан иборат чодирлар тезда йиғиштириш ва тиклашга мўлжалланиб тайёрланган. Узоқ ҳудудларга бирга олиб юришга қулай бўлиши учун чодирдўзлар устунларни мустаҳкам ва енгил қоратол ёғочларидан тайёрлаган. Чодир деворларининг ташқи томони қалин бўз матодан тикилган. Ички томондан эса ясси ёй шаклидаги ингичка ёғоч устунлардан фойдаланилган. Ёғочлар силжиб кетмаслиги учун, атрофлари игна-ип билан тикилиб, тепа ва пастки қисмларига чарм ўрнатилиб, мустаҳкамланган.

Чодирнинг том қисми квадрат ёки думалоқ шаклда, бурчакларидан диагонал тарзда марказга тўртта ёғоч кегайлар ўрнатилган. Ўрта қисмига чармдан бириктирувчи мосламалар тикилган ва у тиргак вазифасини ҳам ўтаган. Чодир ўрнатилган жойида мустаҳкам туриши учун унинг тўрт бурчагидан арқон билан тортиб, ерга қоқилган қозиқларга боғлаб қўйилган. Бунинг натижасида чодир бўрон ва шамолга дош берадиган мустаҳкам қўналғага айланган.

Айтиш жоизки, чодирларнинг ички бўз девори мехроб шаклидаги безак композициялар, шойи, адрас, сурп матоларидан фойдаланиб, қуроқчилик услубида нақшланган. Том қисми ҳам деворлардагидек қуроқ услубида безатилган. Аввало, безаклар чодирнинг ички кўринишини шоҳона ва бежирим кўрсатиб, инсон руҳиятига кўтаринкилик бахш этган.

Тарихий манбаларда чодир билан боғлиқ кўп маълумотлар келтирилган. Масалан, "Зафарнома", "Бобурнома" каби асарларда ўша даврга хос бўлган чодирларни миниатюрачи мусаввирлар чизиб қолдирган. 1887-1888 йилларда Марказий Осиёга саёҳатга келган рус сайёҳи Л.Дмитрий-Кавказский "Чодир чиройли, тўртбурчак, ташқи томони тўқ яшил рангли каноп матоли, ички томонининг атрофи адрас (Бухорода тўқиладиган ярим шойи рангли газлама), нақш безакли, ёрқин рангли, икки тарафидаги эшигидан шабада эсиб туради" деб ёзади. Ҳозирда ушбу ашёлар Санкт Петербург шаҳридаги давлат эрмитажида сақланмоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб музейларида, жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейида XIX асрнинг 70-йилларига оид ноёб қимматли буюм — Бухоро миллий ҳунармандчилик санъатига хос бўлган чодир сақланмоқда. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида эса иккита — XVIII аср охири XIX аср бошларига оид чодирлар мавжуд. Чодирларнинг ташқи бўз матоси яшилтоб рангда, интерьери тўласинча шойи, адрас мато қуроқлари билан зеб берилган.

Мухтасар айтганда, чодирдўзлик санъати халқимизнинг — бой ва бебаҳо маданий мероси, миллий ҳунармандчилигининг ёрқин намунаси. Юртимизда бугун ҳам чодирдўзлик билан шуғулланаётган чеварлар талай, Айниқса, ёз жазирамасида чекка, тоғли ҳудудларга бориб қолгудек бўлсангиз, албатта, чодирга кириб, бир пас тин олинг. Ана шунда аждодларимизнинг ақл-заковатига, улар қолдирган бебаҳо меросниг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўласиз.

Шомурод РЎЗИМУРОДОВ,
Самарқанд давлат
музей-қўриқхонаси
бўлим мудири

Бебаҳо мерос

Халқимиз маънавияти сарчашмаси

100 жилдлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" лойиҳаси умуминсоний маънавиятда ҳам ноёб ҳодисадир

Халқимиз юксак заковат соҳиби бўлган қадимий ва нуфузли халқ сифатида инсоният тамаддуни бешигини тебратиб, кишилик жамияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшганини дунё жамоатчилиги аллақачон эътироф этган. Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган муқаддас заминимизнинг шонли тарихи, аждодларимиз барча соҳада эришган улкан ютуқлар, бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласи ўзбек халқи бадиий-эстетик тафаккурининг беқиёс қудрати маҳсули. Асрлар давомида эзгу ғояларни таранним этиб келган ўзбек халқ оғзаки ижодининг бой ва ранг-баранглиги, барча жанрда кўплаб бетакрор бадиият дурдоналарининг яратилгани ҳам шу билан боғлиқ.

Бу борада ўзбек халқи дунёга қомусий алломалар ва забардаст сўз санъаткорларини етиштириб берган. Истиқлолнинг илк йилларидан кўплаб қадимий қадриятларимизнинг қайта тиклангани, барҳаёт анъаналаримизга янги ҳаёт бахш этилгани, замонлар синовидан ўтган маданий-адабий меросимизнинг тўла-тўкис қайтарилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Ана шундай эзгу ишларнинг мантиқий ва узвий давоми сифатида "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" лойиҳасининг амалга оширилаётгани мамлакатимиз маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди. Шу муносабат билан мазкур муҳташам 100 жилдлик бебаҳо мероснинг илк нашрлари мазмун-моҳияти, мақсади ва келгусидаги изланишлар хусусида лойиҳа раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор Маматқул ЖЎРАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Аввало, мазкур лойиҳадан кўзда тутилган мақсад ва унинг моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Халқ оғзаки ижодининг дурдона асарлари XX асрнинг 20-йиллари бошларидан эътиборан оғзаки ижро шароитларида халқ ижодчиларининг айтиб ва куйлаб бериши асосида ёзиб олина бошланди. Қарийб бир аср давомида ўзбек фольклоршуносларининг жуда катта фольклор материалларини тўплаган. Мазкур манбалар ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг ноёб илмий объекти — фольклор архивида жамланган. Бугун ушбу архивда икки минг саклов бирлигидан ортиқроқ фольклор материаллари, шу жумладан, фольклор экспедицияларида магнит тасмаларга ёзиб олинган нодир фоноёзувлар сақланмоқда. Фольклор асарларини ёзиб олиш билан бирга уларни нашр этиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Кўплаб эртак, достон, қўшиқ, мақол ва топишмоқлар алоҳида-алоҳида китоблар, тўпламлар тарзида чоп этилди. Бироқ ўзбек фольклор асарларини нашрга тайёрлаш ва чоп эттириш борасида катта ишлар амалга оширилган бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгунига қадар чоп эттирилган нашрларда фольклор асарларининг матни шўро мафкураси талабларига мослаштирилган ҳолда қисқартирилган, баъзи ҳолларда ноўрин ишлов берилган эди. Ўша даврларда халқимиз бадиий даҳосининг улкан ёдгорликлари сирасига кируччи "Алпомиш", "Гўрўғли" туркуми достонлари тўла нашрлари амалга оширилмаган, "Қиронхон", "Эрназархон", "Раъно ва Сухангул", "Олтин қабоқ", "Оллоназар Олчинбек", "Жаҳонгир", "Зарнигор", "Назар ва Оқбўтабек" каби ўнлаб халқ достонлари, улуғ бобомиз Амир Темур ҳақидаги халқ достони ва ривоятлар, ўзбек маросим фольклорининг кўплаб жанрларига оид бадиий матнлар, ишонч-эътиқодлар, халқ таъбирлари, болалар ўйин фольклори, маросим қўшиқлари, кўплаб қиссалар (халқ китоблари) умуман чоп этилмаган эди.

Истиқлол шарофати билан халқ оғзаки ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илгари ёзиб олинмаган фольклор асарларни изчил тўплаш ва архивлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, халқ ижоди намуналарини бадиий тафаккур дурдонаси сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганиш тамойили шаклланди. Аста-секинлик билан фольклорни матний ўрганиш ва нашр этишда Ўзбекистонда тўпланган тажриба ва амалий ишлар янада йирик лойиҳаларни амалга оширишга имкон берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги, 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида" қарорлари эса халқимиз бадиий тафаккурининг тарихий-тадрижий ривожи ва тараққиёт қонуниятларини ўзида акс эттирадиган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлигининг яртилиши учун асос бўлди.

Энди мамлакатимизда фольклор асарларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасида ҳозирга қадар бажарилган илмий-ижодий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда ўзбек фольклори дурдоналарининг яхлит бадиий тизим сифатидаги мукаммал нашрини амалга оширишга киришилди.

— Ушбу лойиҳа доирасида ўзбек халқ ижоди намуналари жамланган 100 жилдлик китоб нашр этиш режалаштирилган. Унинг мундарижасини белгилаш, халқ оғзаки ижоди намуналарини саралаш ва жойлаштириш қай тартибда амалга оширилмоқда? Бунда қандай восита ва омиллар асосий мезон сифатида белгиланган?

— Фольклоршунослик тарихида илк бор яратилаётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлиги ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди асарларининг ҳозирга қадар ёзиб олинган энг мукаммал намуналарини ўз ичига қамраб олади. Тадқиқот учун Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ноёб илмий объекти — фольклор архиви материаллари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Юз томлик мазкур фольклор архивида сақланаётган ҳамда бевосита айтувчилар(ижрочилар)дан ёзиб олинган фольклор намуналари қандай имлода ёзиб олинган бўлмасин, у асар ҳозирги ўзбек алифбоси ва жорий имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда нашрга тайёрланади.

"Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" таркиби ва мундарижаси фольклор жанрлари бўйича шакллантирилган. Туркумни 1928 йили Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Алпомиш" қаҳрамонлик достони бошлаб беради. Шунингдек, биринчи жилдга 1922 йили Фозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшидан Ғози Олим Юнусов ёзиб олган парчалар ҳам киритилган. Бу ўлмас асар халқимиз орасида кенг тарқалиб, асрлар бўйи ардоқлаб келинган. Қанча-қанча авлодлар шу достон асосида тарбия топиб, ўзлигини англаган. Бахшишоирларимиз ҳам мумтоз эпосни бадиий жиҳатдан бир-биридан асло қолишмайдиган талқинларда ижро этган. Шу маънода яна беш китобнинг "Алпомиш"га ажратилгани бежиз эмас. Уларга достоннинг энг сара вариантлари жамланиши кўзда тутилган. Юз томликнинг иккинчи жилди 1927 йили Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Юсуф билан Аҳмад" достони матнидан иборат. Яқинда босмадан чиққан учинчи жилдга эса 1926 йили Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Жолғош бахши Жоссоқ ўғлидан ёзиб олинган "Қиронхон" достони киритилган бўлиб, у илк бора чоп этилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Шунингдек, "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"нинг Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Бердиёр Пиримқул ўғли – Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғлидан ёзиб олинган "Алпомиш" достонларидан тузилган 4-жилди ҳам чоп этилди.

Халқ достонларидан тузилган ҳар бир жилд мундарижаси сўзбоши-тадқиқот, асар матни, илмий изоҳлар, тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғати, бахшилар ва ёзиб олувчилар ҳақида маълумотлар, достонларнинг бевосита жонли ижро ҳолатида ёзиб олинган аудио ёки видеоёзувлари асосида тайёрланган нота-илова, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати, шартли қисқартмалардан иборат. Ҳар бир жилдда ўша жилд моҳиятини акс эттирувчи фотоматериаллар, рус ва инглиз тилларидаги қисқа маълумот ҳам берилмоқда.

Юз жилдликнинг 59 китоби достонлардан таркиб топиб, шундан 24 тасини "Гўрўғли" туркумига мансуб халқ достонлари ташкил этади. Ўн жилди халқ қўшиқлари, ўн беш жилди эртаклардан иборат бўлади. Термалар, афсона ва ривоятлар, нақллар, латифалар, болалар ўйинлари, топишмоқлар, мақоллар, аския ва лофлар, оғзаки драма (қўғирчоқ ўйин) алоҳида-алоҳида жилдга жамлангани фольклор меросимизнинг жанрий ранг-баранглигини намоён этади.

Ўзбек фольклорининг эпик турига мансуб афсона, ривоят, оғзаки ҳикояларни нашрга тайёрлаш чоғида ҳар бир матн тегишли кўрсаткичлар билан таъминланиб, айтувчининг исми-фамилияси, ёши, яшаш жойи, маълумоти, материал ёзиб олинган вақт ва тўпловчи, шунингдек, матн манбаси ҳақидаги маълумотлар тўла келтирилади. Айрим топонимлар ҳақида халқ орасида бир неча хил афсона ва ривоятлар мавжуд бўлганлиги боис, уларнинг бир нечта вариантлари берилади.

Мухтасар айтганда, 100 жилдлик "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" нашрига киришилгани мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа. Бу наинки миллий маданиятимиз учун ноёб ҳодиса балки жаҳон маънавияти хазинасини бойитишда ҳам муносиб ҳиссадир. Негаки, бундай улкан нашрлар халқаро миқёсда ҳам ҳаддеганда кузатилавермайди. Шу боис тўпламнинг айни даврда нашр этилиши замон тақозоси ҳамдир. Зеро, бу бебаҳо маънавий мерос халқимизнинг маданий тараққиёти, хусусан, ёш авлод тарбияси ва камолотида беқиёс аҳамиятга эга ҳамда бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бу салмоқли нашр ўзбек халқининг буюк адабий салоҳиятини дунё илму адаб аҳлига кўз-кўз қилибгина қолмай, келгуси авлоднинг маърифий юксалишида ҳам тенгсиз маънавий манба бўлиши шубҳасиз.

Дарёлар тоғлардан бошланганидек, бадиий юксак ўзбек адабиёти ҳам халқ оғзаки ижоди отлиқ буюк сарчашмадан сув ичади. Зеро, оғзаки ижодининг ўзи юз жилддан ошган халқнинг ёзма адабиёти юксак бўлмаслиги мумкин эмас.

Бу дурдоналарда заҳматкаш, бағрикенг, танти ва зукко халқимизнинг шонли тарихигина эмас, ўй-фикрлари, эзгу қадриятлари ва бой анъаналари, урф-одатлари, эрк ва озодлик ҳамда фаровон ҳаёт учун курашлари, ҳиммати ва мардлиги, қўйинки, бутун борлиғи ўзининг юксак бадиий талқинини топган. Мазкур асарлар ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, ўзи туғилиб ўсган юртга муҳаббат ва вояга етказган халққа садоқат, ҳақиқат ва ҳалоллик, меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва кечиримлилик, сабру қаноат, хайру саховат руҳида тарбиялайди, қалбларга эзгулик уруғини қадаб, инсоний камолот йўлига даъват этади. У халқнинг яратувчилик кучи серқирралиги ва чегара билмаслиги — барча соҳада, жумладан, адабиёт ва санъатда ҳам мўъжизалар яратишга қодирлигининг амалий кўринишидир.

"Milliy tiklanish" мухбири
Дилфуза РЎЗИЕВА
суҳбатлашди

Болалар спорти

Баркамоллик асоси

Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида халқаро майдонда Ўзбекистон шуҳратини юксалтиришга қодир навқирон авлод вояга етмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, 2015 йилда ёш спортчиларимиз Италия, Франция, Германия, Чехия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Россия каби йигирмадан зиёд давлатда бўлиб ўтган нуфузли мусобақаларда 138 олтин, 79 кумуш, 90 бронза, жами 307 медалга сазовор бўлди.

Спорт соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омили, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг воситасига айланганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Айниқса, болалар спорти турлари бўйича мусобақалар мунтазам ташкил этилаётгани ёшларни спортга қизиқтириш, уларнинг ғалабага бўлган қизиқиш ва интилишини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йили қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Жамғарманинг минтақавий филиаллари томонидан спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш мақсадида 9898 спорт мусобақаси ташкил этилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ ўғил-қизнинг иштироки таъминланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий спорт мажмуаларидан биридир. Мазкур спорт мактаби 2008 йилда болалар спорти мажмуаси сифатида фаолиятини бошлаган. 2013 йилда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олгач, бу ердаги тўгараклар сони кўпайди, қатновчилар сафи кенгайди.

Мактабда тарбияланувчилар спорт-соғломлаштириш, бошланғич тайёргарлик ҳамда ўқув-машғулот гуруҳларида маҳоратини оширмоқда. Машқлар ўқувчиларнинг бўш вақтига қараб, белгиланган ўқув дастури асосида олиб борилаётир. Ёпиқ спорт зали, иккита теннис корти, мини-футбол ва футбол майдонлари доимо гавжум.

— Машғулотлар қатъий жадвал асосида ўтказилади, — дейди спорт мактаби директори Асқар Абдураимов. — Асосий эътибор болаларнинг мунтазам шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаши, иқтидор ва маҳоратини юзага чиқаришига қаратилади. Жорий йилдаги асосий мақсадимиз волейбол, теннис, бадминтон ва қўл тўпи каби олимпия дастурига киритилган спорт турлари бўйича тўгараклар фаолиятини йўлга қўйишдан иборат.

Мажмуада беш юздан зиёд ўғил-қиз бадиий гимнастика, таэквондо (WTF), футбол, стол тенниси, шахмат, енгил атлетика, камондан ўқ отиш каби спорт турлари билан шуғулланади. Тарбияланувчиларнинг 270 нафари қизлардир.

Қизлар ўртасида спортнинг нафис тури – бадиий гимнастикага қизиқиш кучли. Айни пайтда 150 қиз ушбу спорт билан шуғулланмоқда. "Умид ниҳоллари – 2015" спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар финал босқичида Чилонзор тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Президентимиз совғаси — "Damas" автомобили билан тақдирланган эди. Бунда мазкур мактаб тарбияланувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Нуфузли турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган спортчилар қаторида ёш истеъдодли тарбияланувчилар ҳам ўз маҳоратини намойиш этмоқда. 2015 йилда мазкур мактаб тарбияланувчилари мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда беш юздан зиёд медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Тарбияланувчиларнинг 17 нафари мамлакатимиз миллий терма жамоалари аъзоларидир. Шундан уч спортчи халқаро спорт устаси нормасини бажарган. Биргина ушбу спорт мактаби ёшлари эришаётган улкан муваффақиятлар мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига берилаётган алоҳида эътибор самараларига далил бўла олади.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

MILLIY TIKLANISH
1 (373) 2016 йил 6 январь, чоршанба

2016 — Соғлом она ва бола йили

Оила мустаҳкам бўлса — жамият барқарор

Оила — жамиятнинг асоси, муҳим бўғини. Ҳар томонлама соғлом инсон фаровон, бекаму-кўст оилада тарбия топади. Шу боис соғлом авлодни вояга етказиш мустаҳкам оилани, соғлом хонадон муҳитини шакллантиришдан бошланади.

Истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлод тарбияси умуммиллий ҳаракатга айланди. Мазкур йўналишдаги ишлар янгича мазмун билан бойитилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида оилани мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилмоқда. Оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида дунёга келган, вояга етган фарзанднинг тарбияси ҳам, хулқ-атвори, келажаги ҳам ёруғ ва порлоқ бўлади. Фарзанднинг шахс сифатида камол топиши, ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалари, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало, оилада шаклланади.

Никоҳ — оила ташкил этишнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий асоси, икки шахс (эр-хотин)нинг шахсий истак ва майлларидан юқори турувчи ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодиса саналади.

Оилавий муносабатлар қанчалик тўғри йўлга қўйилса, унинг пойдевори ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши, бу, ўз навбатида, жамиятнинг ҳам мустаҳкамланишига таъсир кўрсатиши амалиётда исботланган. Ана шундай ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда амалдаги қонунларда никоҳ, уни тузиш тартиби ва шартлари билан боғлиқ масалалар тартибга солинган.

Никоҳнинг ҳуқуқий асослари, энг аввало, Конституциямизда мустаҳкамланган. Асосий қонунимизнинг 63-модда 2-қисмида: "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади" деб белгиланган. Никоҳ инсонга юксак масъулият юклайди. Чунки оилада икки шахс — эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифа ва бурчлари бор: улар ўз зиммаларидаги вазифаларини тўла адо этишга масъул. Никоҳ туфайли ота-она ўзидан сўнг зурриёд қолдириб, инсон насли давом этишига сабаб бўлади.

Ёшларнинг никоҳга ҳам жисмоний, ҳам маънавий тайёргарлиги ва етуклик даражаси оила мустаҳкамлиги ва мустақиллигининг муҳим гаровидир. Уларни оила қуришга, турмушга тайёрлаш муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлигини унутмаслик лозим. Бунинг учун оила, маҳалла, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида тарғибот ишларини янада кучайтириш даркор. Амалдаги оила қонунчилигида никоҳ ёши қизлар учун гарчи 17, йигитлар учун 18 ёш қилиб белгиланган бўлса-да, лекин камида 20 ёшдан ўтиб оила қуриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун никоҳланувчилар аввало, оила қуришга тайёр бўлишлари, амалдаги эр-хотинлик ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий қоидалар мазмунини ўзлаштириб, уларга қатъий риоя қилишлари лозим. Шундагина улар тузган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, айниқса, бўлғуси оналар — қиз болаларнинг жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда, албатта, таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлаб, яна бир муҳим масалага эътибор қаратди: "Қиз болани коллежни битирмасдан, ҳунар эгалламасдан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурадиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг катта орзуим ва тилагимдир, десам айни ҳақиқатни айтган бўламан".

Никоҳ тузишда ихтиёрийлик шартининг бузилиши нафақат уни ҳақиқий эмас деб топиш, балки жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳолатларни ҳам келтириб чиқаради. Жиноят кодексининг 136-моддасига асосан аёлни эрга тегишига ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари, олти ойгача қамоқ, уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Оила кодексининг 51-моддасида никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақли.

Оила тўғрисидаги амалдаги қонунчиликда томонларнинг фақат бир киши билан никоҳда бўлиши талаб этилади. Илгари никоҳда бўлган шахслар суднинг ажралиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини кўрсатган тақдирдагина янги никоҳ қайд этилиши мумкин.

Бундай асос гарчи суд амалиётида кам учраса-да, лекин тиббиёт нуқтаи назарича насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ ҳам ҳақиқий эмас, деб топилади. Яна бир ҳолат: бугун амалиётда сохта никоҳ учраётганини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатларда никоҳланувчилардан бири қақиқий оила қуришни эмас, аксинча қандайдир моддий манфаатларни, яъни уй-жойли бўлиш (уй-жойга рўйхатдан ўтиш) ва бошқа мақсадларни кўзлаётган бўлади.

Бундан ташқари, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида ҳам никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Бундай никоҳни ман этиш миллий қадриятлар, қолаверса, аҳлоқ-одоб қоидаларига асосланади. Чунки улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, келиб чиқиши бўйича, ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга тенглаштирилади.

Агар никоҳланувчилардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган одам иммунитети танқислиги синдроми (ОИТС) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс (яъни, алданган шахс) никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бундай ҳолатда никоҳланувчилардан бирида касалликнинг борлиги эмас, балки бир томон уни иккинчисидан яширганлиги ҳуқуқий чора кўришга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 113-моддасида таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Оила кодексининг 17-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий кўрикдан бепул ўтади, унинг билан боғлиқ тартиблар тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Президент қарорлари, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтиш тўғрисида"ги низоми аввало, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган. Юртимизнинг эртанги куни, халқимизнинг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда аёлларнинг ҳомиладорлик билан боғлиқ кўплаб касалликлари, ногирон болалар туғилиши, оналар ва болалар ўлими сезиларли даражада камайди. Кўпгина юқумли касалликларга барҳам берилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши ва самарадорлиги ортиши шубҳасиз.

Ш. ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди
Б. БОҚИЕВА,
Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси

Миллий ғурур

"Буюк аждодларга муносиб авлод

эканимизни барчага яна бир бор эслатиб қўйдик"

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Математика фани бўйича халқаро олимпиада энг нуфузли мусобақалардан ҳисобланади, — дейди Ҳакимбой Эгамберганов. — Унда элликдан ортиқ давлатнинг етмиш беш университетидан жами уч юз йигирма тўрт нафар талаба иштирок этди. Мазкур олимпиадада иштирок этиш — болалик орзуим эди. Сабаби, онам математика фани ўқитувчиси, илк устозим. Менда фанга нисбатан меҳр уйғотганида, олдимга юксак натижаларга эришиш мақсадини қўйгандим. Дунёнинг 50 дан ортиқ давлати вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада мен ҳам юртим шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлганимдан бахтиёрман.

Бу Ҳакимбойнинг халқаро олимпиададаги биринчи иштироки эмас. 2014 йил мактаб ўқувчилари ўртасида Олмаота шаҳрида ўтказилган Х халқаро Жаутиков олимпиадасида ҳам олтин медалга сазовор бўлганди. Ўшанда бу унинг халқаро олимпиададаги илк иштироки бўлса-да, ёш иқтидор эгаси учун муҳим воқеа юз берди. Мусобақадаги олтинчи масала (геометриядан Наири Седракян мисоли)га бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ечим топди. Олимпиадада 200 га яқин ўқувчи қатнашган бўлса, айни масалани жами 6 қатнашчи уддалади, 5 нафари бир хил, муқобил ечим берди, биргина Ҳакимбой Монге"Д-Аламберт ҳамда Менелай теоремаларидан фойдаланиб, соф натижага эришди.

— Олмаотада ҳам, Болгарияда ҳам шу вақтга қадар фанда қўлланилмаган янгича усулда ёндашилганини кўрсатиш билан бир қаторда, математика фанининг асосчиси, ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб жорий этган мутафаккир олим Муҳаммад Хоразмийнинг давомчилари эканимизни жаҳонга яна бир бор эслатиб қўйдик, — дейди у. — Ҳар бир ютуғим Ўзбекистонимизнинг, бутун халқимизнинг ютуғи эканини ўйлаб фахр-ифтихорга тўламан. Ёшлар камолотига алоҳида эътибор кўрсатилаётган озод ва обод юрт фарзандларига мана шундай юксак марралар муносиб. Зиммамизда эса фақат ўқиш, изланиш, етук инсон бўлиш вазифаси турибди.

Ҳакимбой Эгамберганов келажакда мақсадлари катта. Бугун Англия ва Германия каби давлатлар унга магистратура босқичини ўз таълим муассасаларида ўқиш таклифи билан чиқмоқда. Ҳакимбой эса бундай муваффақиятлар замирида Президентимиз раҳнамолигида ёшларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар мужассамлигини таъкидлар экан, ўқишдан сўнг Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилиш ниятида.

Зеро, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшлар келажаги буюк мамлакатни барпо этишга қодир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз

Истиқлол йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида жаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий қурол-яроғ, техника ва етук ҳарбий мутахассисларга эга профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Муддатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни саралаб олишнинг қулай тизими яратилди. Соҳада юз берган бундай ўзгариш ва янгиланишлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни ҳар бир йигитнинг нафақат фуқаролик бурчи, балки юксак шонш-шараф ишига айлантирди.

Бундан 24 йил муқаддам, 1992 йилнинг 14 январида мустақил Ватанимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган мазкур ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва минтақада келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига кенг йўл очди.

Ҳуқуқий асос — мустаҳкам армия пойдевори

Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотлар унинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан чамбарчас боғлиқ эди. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди. Хусусан, Бош қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи экани алоҳида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлакат хавфсизлиги, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартиришга доир ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада, 2009 йилдан буён бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик чақируви резерви ҳам ўзининг самарали эканини исботлади. Бугун миллий армия сафида хизмат қилаётган аскарлар ҳарбий мутахассисликни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, замонавий ахборот технологияларига оид билимларни ҳам эгалламоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари энг замонавий, қўркам биноларда жойлашибгина қолмай, замон талаблари асосида жиҳозланмоқда. Бу эса чақирилувчиларни сифатли тиббий кўрик ва синовлардан ўтказиш учун қулайлик яратиб, Қуролли Кучларимиз сафларини яхши тайёрланган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Армия қудратли бўлса...

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини, халқнинг эркини унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-курби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади. Ўз мустақиллигини, тинчлигини асраб олган давлатгина барқарор ривожланади. Тинчлик ва хотиржамлик, осойишталик қарор топган мамлакат эса ҳамиша гуллаб-яшнайди.

ЎзА сурати

Айтиш керакки, истиқлол йилларида миллий армиямизни тубдан ислоҳ этиш, унинг нуфузини ошириш борасида тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бугун Ватанни ҳимоя қилиш, унга хизмат қилиш ҳар бир эр йигитнинг шарафли бурчига айланди. Кўча-кўйда ҳарбий либос кийган йигитларга барча ўзгача ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлди. Тақдирини юрт ҳимояси билан боғлаган ўғлонлар учун барча шароит ва имконият яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов имзолаган қатор фармон ва қарорлар армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди. Бугун ҳарбий хизматчилар турар-жойлар билан таъминланаётгани, сўнгги йилларда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори 8 баробар ўсгани уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича бакалавр даражаси учун юртимиз олий таълим муассасаларига киришда тўпланган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Буларнинг барчаси миллий армиямиз нуфузи ва қадр-қимматини оширишга хизмат қилаётир.

Энг муқаддас бурч

Собиқ тузум давридаги ҳарбий хизматни ўз кўзим билан кўрмаган бўлсам ҳам, отам, амакиларим, қишлоқдошларимнинг бу ҳақдаги ҳикояларини кўп эшитганман. Ўзбек ўғлонлари ҳарбий хизматни ўташ учун узоқ ўлкаларга жўнатилгани, у ерлардаги оғир вазият, камситилиш ва қийинчиликлар ҳали кўпчиликнинг ёдида.

Отам 1977-79 йилларда олис Сибирда хизмат қилган. Ундан ҳарбий хизмат ҳақида сўрасам, аскар бурчи бир ёқда қолиб, асосан, қурилишда ишлагани, армиядаги носоғлом муҳит ҳақида эслайди, холос. Отамнинг айтишича, қишлоғимиздаги Ҳасан аканинг оқсоқланиб юришига ҳам ўша пайтда ҳарбий хизматдаги аҳвол — носоғлом муҳит сабаб бўлган.

Бугун эса вазият тамомила ўзгача. Ҳарбий қисмларда яратилган шароитларни кўриб, беихтиёр армияга боргинг, азамат йигитлар даврасида, улар билан бир сафда тургинг келади. Бир неча йил олдин ҳарбий хизматда ўз йигитлик бурчини ўтаётган акамни кўргани оиламиз билан борганимизни ҳали-ҳамон ғурурланиб эслаймиз. Ўшанда отам ҳарбий қисмдаги имкониятлар, аскарлар учун яратилган қулайликларни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлди. Акамни маҳкам бағрига босиб "ўғлим, биз учун бундай шароитларда, ўз юртимизда хизмат қилиш фақат орзу эди, юзимизни ерга қаратма...", деди.

Дарҳақиқат, бугун Ватанимиз Қуролли Кучлари салоҳияти ҳақида қанча сўзласак ҳам оз. Аскарлар қиёфасидаги жасурлик, ўктамликни кўриб, юрт тинчлиги, эл осойишталиги ишончли қўлларда эканига амин бўласан киши.

Тинчлик — олий неъмат

Ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини юртимизда кенг нишонлаш яхши анъанага айланган. Бу — йилнинг биринчи байрами эканида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Чунки барча байрамнинг асоси — тинчлик ва осойишталик. Тинчлик ҳукмрон бўлган юртга байрамлар ярашади, юрт обод, халқ фаровон бўлади.

Яқинда бир ҳамкасбимиз гапириб берди: халқаро йўналишлар бўйича узоқ йўлга қатнайдиган ҳайдовчилардан бири: "Биз кўп йўл юрамиз, кўп давлатлардан ўтамиз. Лекин бирор бир жойда тўхтаб, дам ололмаймиз. Чунки ўғрилик, қароқчилик бор. Ўзбекистон ҳудудига киргандан кейингина хотиржам бўламиз. Ҳеч нарсани ўйламай сокин ухлаймиз, руҳимиз енгил тортиб, чарчоқларимиз ҳам ёзилади", — дебди.

Бу ҳақ гап: Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида АҚШда фаолият кўрсатувчи Гэллап институти ижтимоий фикрни ўрганиш маркази ўтказган "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" тадқиқоти натижаларига эътибор қаратган эди. 142 минг шахснинг фикри ўрганилган сўровномада Ўзбекистон 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллагани юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш юксак даражага кўтарилганини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясида Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўриши, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги алоҳида қайд этилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритиб, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди, деб алоҳида белгилаб қўйилган.

...Барчамизнинг бугунгидек тинч, хотиржам ҳаёт кечиришимиз учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган, ўзининг Ватан олдидаги масъулиятли бурчини сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимиз билан ҳар қанча фахрланса, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди. Ана шундай фидойи фарзандлар бор экан, юртимиз тинч-осойишта, эртанги кунга ишончимиз юксалиб бораверади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Испания парламенти

икки палатали бўлиб, тўрт йилга сайланадиган 350 депутат ҳамда 266 сенатордан иборат

Испания Қироллиги — Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган давлат. Ўрта ер денгизидаги Балеар (шу жумладан Питиус), Атлантика океанидаги Канар ороллари, Африканинг шимолий қирғоғидаги Сеута ва Мелилья шаҳарлари ва унга ёндош Велес-де-ла-Гомера, Алусемас, Чафаринас ороллари ҳам Испанияга қарайди. Майдони — 504,75 минг квадрат километр, аҳолиси 47,3 миллион киши. Маъмурий жиҳатдан ўз ҳукумати ва парламентига эга. 17 мухтор минтақага, улар ўз навбатида, 50 вилоятга бўлинади. Пойтахти — Мадрид шаҳри. Амалдаги конституцияси 1978 йил 6 декабрдаги миллий референдумда маъқулланиб, ўша йили 29 декабрдан кучга кирган. 1992 йилда унга тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — Қирол. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Бош кортеслар (парламент) амалга оширади. Кортеслар икки палата — Депутатлар конгресси ва Сенатдан иборат.

Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириб, давлат бюджетини қабул қилади, хукумат фаолиятини назорат қилади ҳамда мамлакат конституциясида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Испания қонунчилигида палаталардаги депутатларнинг аниқ сони белгиланмаган. Депутатлар конгрессида камида 300, кўпи билан 400 депутат фаолият олиб боради. Бироқ сўнгги йилларда Депутатлар конгрессига 350, Сенатга 208 сенатор сайланмокда. Қолган 58 сенаторни эса минтақавий қонун чиқарувчи органлар тайинлайди. Ҳеч бир шахс бир вақтнинг ўзида икки палатанинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Конституция ҳамда 1985 йилнинг 16 июнида қабул қилинган (сўнгги марта 1995 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) "Умумий сайлов тартиби тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ҳар бир округдан камида битта, қолган ҳудудлардан эса аҳоли сонига мутаносиб равишда депутат сайланиши назарда тутилган.

Парламент аъзолари умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Вилоятлар сайлов округи вазифасини бажаради. Сеута ва Мелилья шаҳарларидан парламентда биттадан депутат фаолият юритиши мумкин. Депутат ва сенаторларнинг ваколат муддати — тўрт йил. Уларнинг ваколати тўрт йилдан сўнг ёки палата тарқатиб юборилган заҳоти тугайди. Сайлов аввалги чақириқ парламент аъзоларининг ваколати тугаганидан сўнг ўттиз кун ўтиб ҳам, олтмиш кун олдин ҳам ўтказилиши мумкин эмас. 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Конституцияга мувофиқ, мамлакат ташқарисида бўлган фуқароларнинг ҳам овоз бериш ҳуқуқлари тан олинади, давлат уларнинг мазкур ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади.

Депутатлар конгресси ҳукумат таркибини тасдиқлайди, қонун лойиҳасини биринчи бўлиб кўриб чиқади. Қуйи палатада фракцияни шакллантириш учун партия камида 15 аъзога эга бўлиши талаб этилади. 5 кишидан иборат фракция ҳам тузиш мумкин, лекин ўз номзодларини илгари сурган сиёсий партия сайлов округларида ҳеч бўлмаганда 15 фоиз овозни қўлга киритган бўлиши лозим. Ҳеч бир фракция таркибига кирмаган депутатлар аралаш гуруҳга киритилади. Янги сайланган Конгресс мажлиси сайлов ўтганидан сўнг, йигирма беш кун ичида чақирилиши лозим.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Ҳар бир вилоятдан умумий, эркин, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан тўрттадан сенатор сайланади. Орол вилоятларда ҳар бир орол ёки ороллар гуруҳи ўз органи — кабильдо ёки орол кенгашига эга бўлиб, сенаторларни сайлаш учун округларни шакллантиради. Нисбатан каттароқ ороллар — Канар, Мальорка ва Тенерифе учтадан, кичик ороллар эса ҳар бири ёки уларнинг бир нечтаси бир бўлиб биттадан сенаторни сайлайди. Сеута ва Мелилья шаҳарларидан эса иккитадан сенатор сайланади. Депутат ва сенатор ўз ваколатларини бажараётган пайтда Конституциявий суд аъзоси бўлиши, давлатнинг юқори лавозимларида фаолият юритиши, суд, прокуратура органларида ишлаши ҳамда сайлов комиссиялари аъзоси бўлиши мумкин эмас. Депутатлар ўз фаолиятини амалга ошираётган пайтда дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Улар фаолият юритадиган палаталарнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

Палаталарнинг ҳар бири ўз регламенти ва бюджетини қабул қилади, ўзаро келишган ҳолда Бош кортеслар аъзоларининг хизмат мақомини белгилайди. Регламент ва унга ўзгартиш киритиш масаласи ҳар бир палата аъзоларининг мутлақ кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Палаталар ўз раислари ҳамда раёсатнинг бошқа аъзоларини сайлайди. Палаталарнинг қўшма мажлислари ҳар бир палатанинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган Бош кортеслар регламентига мувофиқ Конгресс раиси бошчилигида ўтказилади. Палаталар йил давомида икки бор навбатдаги сессияларни ўтказади: биринчиси — сентябрдан декабргача, иккинчиси — февралдан июнга қадар. Палаталар ҳукумат, доимий делегация ёки палаталардан бирининг мутлақ кўпчилигининг сўровига биноан фавқулодда йиғилиш ўтказиши мумкин. Навбатдан ташқари сессиялар кун тартибида турган муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун чақирилади ва у ҳал этилиши билан ёпиқ деб эълон қилинади. Зарурат туғилганида Депутатлар конгресси ва Сенат жамоатчилик қизиқишларига оид ҳар қандай масалаларни ўрганиб чиқиш учун ҳамкорликда комиссия тузиши мумкин. Мазкур комиссиянинг хулосалари судлар учун мажбурий бўлмайди ҳамда уларнинг қарорларига таъсир кўрсата олмайди. Бироқ бундай тафтиш натижалари тегишли ҳолатларда фойдаланиш учун прокуратурага етказилади.

Палата қарорлари регламентга мувофиқ, уларнинг аъзолари кўпчилиги ҳозирлигида қабул қилинади. Мазкур қарорларни қабул қилишда депутат ва сенаторларнинг ҳар бири шахсан овоз беради. Ялпи мажлислар очиқ тарзда ташкил этилади. Палаталардан бирининг мутлақ овози билан ёки регламентда назарда тутилган бўлса, ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Конституция ва палаталар қабул қилган регламентга мувофиқ, Конгресс, Сенат ва ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Конгресс депутатлари қабул қилган қонун лойиҳаси Сенатга тақдим этилади. Сенат тақдим этилган кундан бошлаб икки ой ичида уни кўриб чиқади. Сенат қонун лойиҳасига нисбатан вето эълон қилиши ёки унга тузатиш киритиши мумкин. Вето палата аъзоларининг мутлақ кўпчилик овози билан қабул қилиниши лозим. Қонун лойиҳасига нисбатан вето қўллаш ёки унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун Сенатга берилган икки ойлик муддат ҳукумат ёки Конгресс депутатлари тақдим этган шошилинч қонун лойиҳаларини қабул қилиш жараёнида 20 кунга қисқартирилиши мумкин. Қирол Бош кортеслар қабул қилган қонун лойиҳасини ўн беш кун ичида тасдиқлайди, уни матбуотда эълон қилишга кўрсатма беради.

1982 йилдан Испанияда Халқ партияси ҳамда Испания социалистик ишчи партиялари навбатма-навбат ҳукуматни шакллантирар эди. Сўнгги йилларда эса Фуқаролар ҳамда "Podemos" ("Биз уддалаймиз") партиялари уларга асосий рақобатчига айланди. 2015 йилнинг 20 декабрида Испания парламентига сайлов ўтказилди. Унда 13 сиёсий партия ва бирлашмалар ўз номзодларини илгари сурди. Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 73 фоизи иштирок этди. Бу 2011 йилги парламент сайловига қараганда тўрт фоизга кўп. Мазкур сайлов икки партиянинг кўп йиллик етакчилигига чек қўйгани билан аҳамиятли бўлди. Гарчи Халқ партияси қуйи палатада энг кўп — 123 ўринни қўлга киритган бўлса-да, буни ғалаба сифатида баҳолаб бўлмайди. Боиси мазкур партия парламентда аввалги кўпчилик ўринларни қўлдан бой берди. Сабаби партия ўтган сайлов натижаларига кўра парламентда 187 ўринни қўлга киритган эди. Ҳукуматни шакллантириш учун эса бирор-бир партиядан парламентга камида 176 нафар депутат сайланиши лозим эди. Испания социалистик ишчи партияси гарчи қуйи палатада 90 ўринни банд этиб, иккинчи бўлса-да, бу аввалги сайловга нисбатан 20 тага кам. Сайловда "Podemos" партиясидан 69, Фуқаролар партиясидан эса 40 вакил сайланиб, мос равишда учинчи ва тўртинчи ўринларни қўлга киритди.

Рангин дунё

Тоғ дарёси ғори ғаройиботлари

Вьетнам — сайёҳлар ва саргузашт ихлосмандлари энг кўп ташриф буюрадиган мамлакатлардан. Чунки бу диёр табиати ўзига хос, тарихий ёдгорликлари кўп. Фонгня-Кебанг миллий хиёбони ҳудудидан дунёдаги энг катта — Шондонг ғорининг топилиши билан мазкур мамлакатга сайёҳлар оқими кучайди. Шондонг вьетнам тилида "Тоғ дарёси ғори" дегани.

Фонгня-Кебанг миллий хиёбони Вьетнамнинг Куангбинь вилоятида жойлашган бўлиб, майдони — 85 минг 754 гектар. Унинг номи Фонгня ғори ҳамда Кебанг ўрмони номидан олинган. 1993 йилда мазкур хиёбон ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ғорни эса 1991 йилда Хо Хань исмли маҳаллий аҳоли вакили кашф этган. Гап шундаки, Хо Хань Фонгня-Кебанг хиёбонини айланиб юриб, тўсатдан қандайдир шамол ва сув шилдирашининг овозини эшитиб қолади. Шунда у чакалакзорларни оралаб шовқин чиқаётган жойга яқинлашиб боради ва тўсатдан ғорга дуч келади. Ғор оғзининг ҳаддан зиёд қорунғу экани, қораверса, унинг ичидан аллақандай шовқин эшитилиб турганиданми, у ичкарига кирмасликка қарор қилади. Шунга қарамай, маҳаллий фермер Хо Хань ўзи билмай дунёдаги энг катта ғорни кашф этади. Аслида эса мазкур ғор асрлар мобайнида маҳаллий аҳоли вакилларига маълум бўлиб келган. Бироқ ғор ҳақидаги маълумот ҳеч бир ҳужжатларда қайд этилмаган ва ўрганилмаган, шу боис у дунё жамоатчилиги учун номаълум бўлиб қолган. 2009 йилда Говард Лимбирт раҳбарлигидаги Британия спелеология ассоциацияси олимлари ғорни обдон тадқиқ қилиб, у дунёдаги энг катта ғор деган хулосага келди.

Шондонг ғорига икки томондан кириш мумкин. Унинг узунлиги 7,2 километр. Баландлиги баъзи жойларда 200, кенглиги 150 метрга етади. Яъни, унинг ичига ўртача катталикдаги бир қанча осмонўпар бино бемалол сиғади. Ғорнинг асосий кириш қисми нисбатан тор бўлиб, баландлиги 10, кенглиги 30 метрга етади. Ғор ичида ер ости дарёси борлиги сабабли ичкарида ҳамиша сувнинг шовқини эшитилиб туради. 2011 йилда Лимбирт тадқиқот гуруҳи Куангбинь вилоятида яна саккиз янги ғорни аниқлади. Улардан бири — Ва ғори Шондонгдан атиги 400 метр узоқликда жойлашган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Шондонг ғори маҳаллий аҳолига анча вақтдан буён маълум бўлган. Бироқ ғор ичидаги дарё сувининг шовқини ҳамда ғор ичкарисининг қоронғу экани туфайли одамлар ғорга кириш, уни обдон ўрганишга ҳайиққан бўлиши мумкин. Олимлар Шондонг шу пайтга қадар Вьетнамдаги энг катта ғор ҳисобланган Пхонг Нхадан камида беш баравар каттароқ эканини эътироф этишмоқда.

Ғор ичида ҳаёт қайнайди: унинг қуёш нури тушиб турадиган ерида чангалзор ўрмонларни, турли ҳашарот, кемирувчи, судралиб юрувчи, паррандаларни, ҳатто маймунларни ҳам учратиш мумкин. Бугунги кунда мазкур ғор бўйлаб оммавий сайёҳатлар ташкил этилмоқда. Бу ерда чодир тикиб ёки гулхан ёқиб, табиат мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Бундай сайёҳат камида 3 минг долларга тушади. Бундай оммавий саёҳатга бир вақтнинг ўзида кўпи билан 450 киши жалб қилиниши мумкин. Бундан ортиқ кишининг ғор ичкарисига кириши унинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шондонг ғорига илк сайёҳат 2013 йилнинг август ойида уюштирилди. Бироқ сентябрдан март ойига қадар мазкур ғорга кириш тақиқланади. Сабаби Шондонгда 150 дан зиёд ер ости тирқишлари мавжуд бўлиб, бу гўё ғор ичидаги ғорни ҳосил қилгандек тасаввур уйғотади. Бу ойлардаги ёғингарчилик мавсумида ғорнинг ана шу қисмида сув тўпланиб қолади. Ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетиши натижасида ғор ичида ҳатто туман ва булут ҳосил бўлади. Шу боис бу ерга февралдан август ойигача борган маъқул. Шондонг ғорига энг яқин аэропорт Донгхой ва Хюэ шаҳарларида жойлашган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Эгизаклар икки йилда дунёга келди

АҚШнинг Сан-Диего шаҳрида яшовчи аёл дунёга келтирган эгизаклардан бири 2015 йилда, иккинчиси эса 2016 йилда туғилди.



ABC нашри тарқатган хабарга кўра, эгизаклар орасидаги фарқ икки дақиқани ташкил қилди. Айтилишича, уларнинг биринчиси 2015 йил 31 декабрь куни соат 23:59да, иккинчиси 2016 йилнинг 1 январида, соат 00:01да дунёга келган.

Эгизаклар ўғил ва қиз. Уларнинг отаси Луи Валенсанинг таъкидлашича, болалар январь ойининг охирида туғилиши кутилаётган эди, аммо шифокорлар аёлга тезроқ туғишни, шу йўл билан кутилаётган айрим қийинчиликларни четлаб ўтишни тавсия қилган. Шу боис аёл режадагидан тезроқ туғруқхонага олиб келинган.

Менделеев даврий жадвали бойитилди

Менделеев даврий жадвалига янги тўрт кимёвий элемент қўшилиб, унинг еттинчи қаторини тўлдирди. Элементларни Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи расман тасдиқлади.

Даврий жадвал сўнгги марта 2011 йилда кенгайтирилиб, 114 ва 116-элементлар(флеровий ва ливерморий) қўшилган эди. Шартли равишда унунпентий(U_{up}), унунсептий(U_{us}) ва унуноктий(U_{uo}) деб аталаётган янги 115, 117 ва 118-элементларни Россиядаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти, Калифорниядаги Ливермор миллий лабораторияси ҳамда Теннесидаги Ок-Ридж миллий лабораторияси тадқиқотчилари кашф қилган бўлса, вақтинча унунтритий(U_{ut}) деб номланган 113-элементни Япониянинг RIKEN физика-кимё тадқиқотлари институти олимлари топган.

Кашфиётчилар энди элементларга доимий ном ва икки ҳарфли белгилар ўйлаб топишлари керак бўлади. Янги ном ва белгиларни Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи кенгаши беш ойдан сўнг тасдиқлайди.

Қор уюми ёрдам берди

Арманистон пойтахти Ереванда яшовчи қиз баланд турар-жой биносининг саккизинчи қаватидан тушиб кетиб, тирик қолди.

Воқеа 3 январь куни, тунда юз берган. Маҳаллий фуқаролардан бири фавқулодда хизмат бўлимига қўнғироқ бўлиб, кўп қаватли бино тагида бир қиз ётганини хабар қилади. Дастлабки маълумотларга кўра, 24 ёшли Ани Айрапетян кутилмаганда пастга қулаган ва бино атрофидаги қор уюми унинг жонига ора кирган.

У Еревандаги "Мхитар Гераци" касалхонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган.

Даромадни яширган "APPLE" "қўлга тушди"

Apple компанияси Италия солиқ органларига 318 миллион евро тўлайдиган бўлди. Бу ҳақда "La Repubblica" газетаси хабар тарқатган.



Гап шундаки, АҚШ компанияси Италиядаги сотувдан тушган ҳақиқий фойдани яширганликда гумон қилинаётган эди. Тергов маълумотларига кўра, "Apple Italia" бўлими 2008—2013 йиллар давомида мамлакат ҳудудидаги сотувдан тушган ҳақиқий даромади ҳақида ёлғон маълумот берган. Шу тариқа, жами 880 миллион евро миқдоридаги даромад учун солиқ тўланмаган.

Манбада айтилишича, "Apple Italia" солиқ тўловидан қутулиб қолиш учун Ирландиянинг "Apple sales International" компаниясининг маслаҳатчи-компанияси сифатида рўйхатдан ўтган. Бу билан компания ишлаб чиқарган телефон, планшет ва компьютерлар сотувини гўёки Ирландия компанияси амалга оширган. Натижада ҳисоботда бу давр мобайнида "Apple Italia"нинг даромади бирор марта ҳам 30 миллион евродан ошмаганлиги қайд қилинган. Аслида эса, сотув ҳажми тизимли равишда бир миллиард евродан ошган.

Тергов доирасида амалга оширилган текширишлар бир неча ой давом этди. Натижада "Apple" ўзига нисбатан билдирилган даъвони тан олиб, яширилган солиқни тўлашга розилик берди.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

MILLIY TIKLANISH
1 (373) 2016 йил 6 январь, чоршанба

Мусаввир ижодхонасида

Тарих ва қадриятлар тараннуми

Мустақиллик, эркинлик ижод аҳли учун юят қадрли тушунчалардир. Рассомларимиз ижодида бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, гўзал табиат манзаралари, инсоннинг руҳий олами, ўзликни англашга интилишини тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларида, турфа бўёқларда ифодалаш кучайди. Турли тарихий, илмий, адабий манбалар, ёзма ёдгорликларга таянган ҳолда улуғ аждодларимиз сиймоларига мурожаат кўпайди. Уларнинг ёрқин образи акс эттирилган тарихий мавзулардаги кўплаб асарлар яратилмоқда.

Бобокалонларимиз сиймоси акс этган асарларнинг яратилиши ёшларда шонли тарихимиз билан фахрланиш, аждодларимизга муносиб ворис, айни пайтда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон сифатида вояга етишида алоҳида тарбиявий аҳамият касб этса, жаҳон тасвирий санъат ихлосмандларига Ўзбекистоннинг нақадар чуқур, теран тарихий илдизга, бой илмий-ижодий, интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат эканини намоён этмоқда.

... Оқ от устида икки қўлида қилич тутиб, эл-юрти учун душман билан юзма-юз жанг олиб бораётган мард ва жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди тасвирланган картинани кузатар экансиз, тарихчи Шиҳобиддин Насавийнинг асаридаги ҳикоялар ёдга тушади: жанг-

да Жалолиддин ўз қўшинини ўнг ва сўл қанотлар, марказ сифатида сафлаган. Жангда султон қўшини ортини отлиқ лашкарлар билан тўлдирди. Марказни ўз паҳлавон лашкарлари ҳисобига кучайтирди. Ўнг томонни мард, алп ҳимоячилар эгаллади, чап томонга эса ёйандозлар жойлашди. Шу тариқа, бу жангда душманнинг 60 минг кишилик қўшинини султоннинг сон жиҳатдан икки баравар кам лашкари тор-мор этди...

Бу — Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курёзовнинг "Жалолиддин жангда" асаридан олинган илк таассурот.

Рассом ижоди билан танишиб, унинг тарихий мавзуларга кўп мурожаат қилгани эътиборимизни тортди. Рассомнинг "Зардўшт", "Тўмарис", "Ал-Хоразмий", "Ал-Беруний", "Жалолиддин Мангуберди", "Нажмиддин Кубро", "Темурий маликалар", "Абулғозий Баҳодирхон", "Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз", "Огаҳий", "Мунис" каби ўнлаб асарлари фикримизга яққол далил бўлади.

"Биз улкан тарихий, бебаҳо адабий, маданий, маънавий мероснинг ворисларимиз. Бу қадимий ва бой хазина ўз миллий санъатимизни янада равнақ топтириб, янгидан-янги асарлар яратишга ундайверади", — дейди мусаввир.

Тўра Курёзов тарихий шахслар, қадимий қалъалар, муҳим воқеаларни ранглар воситасида кўрсатишга ҳаракат қилади. Образларда сермазмун тарихимиз чуқур ифода топади. "Оллоқулихон" портретида Хива хонлиги тарихида бунёдкорлиги билан ном қозонган Оллоқулихон иншоот қурилиши жараёнида тасвирланади. Бу эса унинг хонлик тарихидаги ўрни, амалга оширган бунёдкорлик ишлари кўлами, халқимизнинг яратувчилик меҳнатини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

— 1960 йилда Беньков номидаги Республика рассомлар тайёрлаш билим юртини тугатгач, Нукусда, Қорақалпоғистон рассомлар уюшмасида ишладим, — дейди Тўра ака. — Бу ерда таниқли рассом ва музейшунос Игорь Савицкий билан танишгач, ижодимда кескин бурилиш юз берди. Ўшанда илк бор халқимиз ўзига хос анъаналар, урф-одатлар, қадимий тарихга эгалиги, уни ранглар воситасида тасвирлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш шу юртнинг фарзанди сифатида менинг ҳам бурчим эканлигини англаганман. Зеро, асрлар нафаси уфуриб турадиган қадимий қалъалар, осори атиқалар, маданий ёдгорликлар, тарихий шахслар халқимиз ўзлигини яққол намоён этади...

Бетакрор Ватанимиз рассомларимиз учун битмас-туганмас илҳом манбаидир. Унинг рангин жилолари бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизда, барча соҳалардаги тараққиёт одимларида, онгу шуурримиз, ҳаёт тарзимиз, тафаккуримизда ўз аксини топмоқда.

Тўра Курёзов ижодида замондошларимиз ва уларнинг фидокорона меҳнати ҳам катта завқ билан акс эттирилади. Париждаги халқаро кўргазмада олтин медаль олган ёғоч ўймакор уста Ота Полвонов, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов, таниқли жарроҳ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Султон Раҳимов ва бош-

қаларнинг портретлари шулар жумласидандир.

Мусиқа, қўшиқчилик ва рақс санъати миллатнинг ўзлигини ёрқин намоён этувчи беқиёс воситалардир. Уларнинг бетакрорлиги рассомнинг "Лазги" ва "Халфалар" каби рангтасвир асарлари орқали ёрқин акс эттирилган.

Рассом ижодида Хоразм воҳасининг ўзига хос табиати, тилёрар қовунлари ҳам кенг ўрин олган. "Қовунчилар" картинасида деҳқонларнинг пайкал бошида қовун экишдан олдинги ер ва уруғ танлаш, уруғни ерга қадаш каби ҳаяжонли ва масъулиятли ҳолатлари, баҳс-машваратлари ғоят ёрқин ва ишончли тасвирланган.

Тўра Курёзовнинг кўплаб асарлари бир қатор хорижий давлатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда намойиш қилинди. Бугунги кунда унинг асарлари Франция, Ҳиндистон, АҚШ, Англия, Малайзия, Россия ва Туркиядаги нуфузли музей ва хусусий коллекцияларда сақланмоқда.

Тўра аканинг ҳали режалари кўп. "Халқимизнинг бой маданияти барча замонда ҳам дунё аҳлини ўзига жалб қилиб келган. Биз ижодкорларнинг вазифаси — ота-боболаримиз анъаналарига содиқ қолиб шу маданиятни, анъана ва урф-одатларимизни дунёга ёйиш, дили эзгуликларга лиммо-лим, яратувчиликларга бел боғлаган, азму шижоатли, бағри кенг аждодларимиз ҳамда замондошларимиз қиёфаси, қолаверса, бетакрор табиатимизни тасвирлаш орқали миллатимиз, она заминимиз салоҳиятини дунёга ёйиш", — дейди у...

Ҳа, инсон келажакка тийран нигоҳ билан боқиши учун, аввало, тарихдан сабоқ чиқаришни ўрганиши керак. Ижодкор мутолаа қилмаса, адабий меросимизга мурожаат этмаса, тўкис, мукаммал асарлар яратиши қийин. Миллат тарихи — бой ва туганмас хазина. Уни турли воситалар, хусусан, расмлар орқали тасвирлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш эса жамиятда маънавиятни юксалтириш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мутолаа

Тафаккур қудрати талқини

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида файласуф олим Нарзулла Жўраевнинг "Тахайюл, тасаввур, тафаккур" китоби нашрдан чиқди.

Китоб бугунги куннинг долзарб масаласи — инсон омилига бағишланган. Унда ҳаёт фалсафаси, буюк немис файласуфи Фридрих Нитше тафаккур оламининг бутун кўлами, мазмун-моҳияти таъсирчан усулда тадқиқ этилган. Зотан, Нитше инсон ва ҳаёт фалсафасини бетакрор, айни пайтда, чуқур драматик ҳолатда талқин этган. Инсон тушунчаси, унинг моҳияти, инсоннинг бебаҳо хилқатлиги, буюклиги ва салбий жиҳатларини фалсафий-бадиий зиддиятлар воситасида ифодалаган. Муаллиф ана шу ўта мураккаб тафаккур оламини ўзига хос таҳлил этишга муваффақ бўлган. Шу маънода, Нитше фалсафасини нафақат тадқиқ қилган, балки бугуни кун одами — замонавий цивилизация давридаги инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам тасвирлаган, дейиш мумкин.

Муаллифнинг мазкур тадқиқоти Ғарб ва Шарқ файласуфлари учун ҳам аҳамиятли. Чунки айни ана шу икки қутб фалсафий тафаккурида Нитше кўприк вазифасини бажаради. Қолаверса, Шарқ фалсафаси қадимдан ғарбликлар диққатини ўзига тортган ва унга кучли таъсир этган. Нитшенинг "Зардўшт таваллоси", Гётенинг "Шарқу Ғарб девони", Дантенинг "Илоҳий комедия" сингари асарлари Машриқзамин тафаккури сарчашмаларидан баҳраманд бўлгани, ундан маънавий озуқа олгани сир эмас. Муаллиф Нитшенинг қатор асарларига мурожаат этади. Жумладан, "Мусиқа руҳидан фожианинг туғилиши", "Қувноқ фан", "Инсонга, фақат инсонга хос", "Гениалогия" сингари мумтоз асарларида илгари сурилган ғояларга алоҳида эътибор беради. Уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини, бир-бирини изчил тўлдириб борган тамойилларини ва ниҳоят, буюк файласуф қалби ва тафаккур оламини чуқур таҳлил қилади.

Асар Ғарб ва Шарқдаги инсон ва инсоншуносликка доир бошқа тадқиқотлардан фарқ қилади. У Ғарб фалсафий тафаккурида Шарқ омилининг янги қирраларини очиб беради. Айниқса, Нитшенинг "Доимо кучлиларни кучсизлардан ҳимоя қилиш лозим!"- деган ибораси моҳиятини ўзбекона лутф билан шарҳлайди: "...кучлилар ҳамиша озчиликни ташкил этади. Кучсизлар, ожизлар, маънавий заифлар эса

кўпчиликдан иборат. Ҳар қандай шароитда кўпчилик озчиликни енгади, ғалаба қилади. Ожизлар, нотавон ва ношудлар қумурсқа мисоли ёпирилади, талайди. Охир-оқибатда кучлиларни абгор қилади", — дейди муаллиф. Бу ғоятда залворли, зиддиятли психологик ҳолатни Нитше ғоялари асосида ривожлантиради, чуқурлаштиради. Инсон моҳиятини яна ҳам жонли, реал ҳаёт оқимидаги сиймосини яратади.

Ушбу илмий тадқиқотнинг яна бир қиммати — унда аждодларимиздан қолган энг қадимги маданий ёдгорлик "Авесто"даги ғоялар фалсафий таҳлил этилган. Шу ўринда айтиш жоизки, истиқлол йилларида "Авесто" асари биринчи марта ўзбек тилига таржима этилиб, чоп қилинди. Энди унга оид тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Ўзбек авестологияси янги босқичга кўтарилмоқда. Аммо Зардўшт қарашларини Ф.Нитше ғоялари асосида таҳлил этиш Шарқ китобхони учун янгилик. Муаллиф китобхонни бундай гўзал оламга чорлаб, унинг тахайюл, тасаввур ва тафаккурида ўзгаришлар, янги фикрлар уйғотишга ҳаракат қилади.

Асар тили равон, фалсафий мушоҳадага бой. У миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояси — комил инсон тушунчаси таҳлил этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Асар ўқувчини умумдунёвий ва умуминсоний масалалар ҳақида чуқурроқ ўйлашга, фикрлашга чорлайди. У инсонни, Зардўшт тили билан айтганда, "балчиқни чайқатмасдан, тоғларда, чўққиларда яшаш керак" дея юксакликка, нурли ва зиёли оламга даъват этади. Нитшенинг "ало одам", "олий одам", "озод акл" каби ғоялари содда, кенг оммага тушунарли йўсинда таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Тахайюл, тасаввур, тафаккур" асари — инсоншунослик мавзусидаги салмоқли фалсафий тадқиқот маҳсули. Асарни ўқир экансиз, инсон тафаккури, қудрати ҳақида фикр юритасиз, унинг янги қирраларини кашф этасиз. У инсон тушунчасини таҳлил этаётган олимлар, шу мавзуга қизиқувчи ўқувчилар, умуман, кенг жамоатчилик учун бирдек қизиқарли бўлиши шубҳасиз.

Гулчехра НАВРЎЗОВА,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ёнғоқ хотирани мустаҳкамлайди

Осиё қитъаси, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Америка ёнғоқнинг ватани саналади. Ёнғоқ дарахти, одатда, экилганидан сўнг, ўн-ўн бир йил ўтиб ҳосилга кирса-да, минг йилгача умр кўради. Бир туп дарахтдан 200-250 килограммгача ёнғоқ олиш мумкин. Ҳозир бу дарахтнинг 15 дан ортиқ нави мавжуд.

Ёнғоқ таркибида инсон организми учун фойдали бўлган кўплаб дармондорилар ва минерал моддалар мавжуд. Мағизининг олтмиш фоизи ёғлардан иборат бўлишига қарамай, холестериндан холидир. Бундан ташқари, ёнғоқ ниҳоятда оқсилга бой, тўйимли неъмат. Яхши пишган ёнғоқ олий навли буғдой нонга нисбатан икки баробар калорияли. Юз грамм ёнғоқда 650 (бир плитка шоколоддагидан кўп) килокалория мавжуд. Шунинг учун бир кунда иккиучтадан ортиқ ёнғоқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Ёнғоқ таом ҳазмини яхшилаб, меъдани мустаҳкамлайди, стенокардия хуружини бартараф этади. Бош мия тўқималарини озиқлантириб, мия фаолиятини яхшилайди. Агар анжир билан қўшиб истеъмол қилинса, қувватни оширади ва ички юмшатади. Бу неъмат кексаю ёш учун бирдек фойдали. Мунтазам истеъмол этилганда организмдан стронций, қўрғошин ва бошқа оғир металларни ҳайдаб, атеросклерозга чалиниш хавфини камайтиради. Ёнғоқ таркибидаги ёғ хотирани мустаҳкамлайди, қандли диабетда яхши муолажа ҳисобланади. Териси касалланган кишилар ёнғоқ емаслиги керак, бироқ хасталанган терига ёнғоқ мойи суртилса, шифо бўлади.

Ёнғоқни эрталабки нонуштада пишлоқ ёки бринзага қўшиб, петрушка ва шивит кўкатлари билан ейиш, айниқса, фойдали. Унинг мағзидаги минерал моддалар таом таркибидаги дармондори ва бошқа моддаларнинг организмга сингишига ёрдам беради. Ёнғоқ мағзига пишлоқ, майиз қўшиб ейилса, юрак мушаклари мустаҳкамланади, шунингдек, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, жигарни соғайтиради. Совуқ кунларда ёнғоқ ейиш организмнинг шамоллашга қарши иммунитетини оширади. Шуни ҳам унутмангки, ёнғоқ мағзидаги ёғ таркибини тез ўзгартиради, меъёрдан ортиқ ейилганда оғиз бўшлиғи ва бодомчалар яллиғланади. Шу боис, ёнғоқдан сўнг оғизни чайиш ёки нордонроқ мева еган маъқул. Ёнғоқ мағзидан мураббо тайёрлаб ёки уни асалга аралаштириб ейиш озғин ва семиришни ҳоҳлаган кишилар учун фойдали. Агар ёнғоқ мағзини туйиб, тенг миқдорда асал қўшиб, бир ой мобайнида таомдан ярим соат кейин икки чой қошиқдан истеъмол қилиб, устидан сут ичиб юрилса, дард яқин йўламайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Инсон терисининг 1 квадрат сантиметрида 100 га яқин оғриқ нуқталари мавжуд. Бутун танада эса уларнинг сони миллионга яқин.
- Жигар орқали бир дақиқада 1,5 литр, суткада эса 2000 литр қон оқиб ўтади.

ТУРФА ОЛАМ

"Оққуш"-робот

Сингапур миллий университети олимлари шаҳар шароитида сув ҳавзалари сифатини назорат қилишга мўлжалланган "NuSwan" — "оққуш"-роботини ихтиро қилди.

Бугун сув ҳавзалари ҳолатини ўрганиш учун қўл меҳнати ва қайиқлардан фойдаланилмоқда. Бу жараён эса анча вақт, қолаверса катта маблағни талаб қилади. Олимларнинг фикрича, мазкур робот ана шу муаммоларга ечимдир. Атроф-муҳит табиий гўзаллигига путур етказмаслик учун робот оққуш кўринишида ишланган. "Оққуш"-робот электр двигатель воситасида ҳаракатланади. Унинг танасига сув таркибини ўрганадиган GPS ҳисоблагичлар ўрнатилган. "NuSwan" лаборатория шароитида ўрганиш учун сув намуналарини олиш билан бир бирга, мустақил равишда сувни кимёвий таҳлил қила олади. Робот ҳаракат вақтида кемаларга урилмай уларни айланиб ўтиш имкониятига эга. У 24 соат давомида маълумотларни йиғиб бўлгач, дарҳол белгиланган пунктга етиб келади. Келгусида "оққуш"-роботлардан дунё миқёсида сув омборлари ва кўлларни тадқиқ этишда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Ҳайкал қайта тикланади

Грециялик меъморлар жамоаси бундан 2 минг йил аввал зилзила оқибатида вайрон бўлган дунёдаги етти мўъжизадан бири — Родослик Колосс ҳайкалини бунёд этиш лойиҳасини тақдим этди.

Янги ҳайкал асл нусхасидан 5 баравар катта бўлиши, баландлиги 135 метрга етиши кўзда тутилган. Ҳайкал эски ўрни — Родос порт шаҳрига кириш жойида ўрнатилади. Шаҳарга кириб келаётган кемалар антик даврдаги каби улкан ҳайкал оёқлари орасидан сузиб ўтади. Колосснинг ичида антик давр музейи ва кутубхона жойлашиши мўлжалланган. Лойиҳа муаллифлари ҳисоб-китобларига кўра, ҳайкални бунёд этиш харажатлари 250 миллион еврога тушади. Бу маблағ 7 йилда ўзини оқлайди: Колосс сайёҳлар жалб этилиши ҳисобига йилига 35 миллион евро даромад келтириши мумкин. Бош меъмор Арис Палласнинг айтишича, мазкур лойиҳа Греция иқтисодиёти тикланишида ўзига хос рамзга айланиши кутилмоқда.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 125, Адади — 12013. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.50.
ЎзА якуни — 20.35.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345